O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 25-yanvar, chorshanba * № 4 (1015) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www hurriyat.uz

## “ОҚ уй”нинг қирқ бешинчи соҳиби



1841 йилги сайловда ғолиб бўлган Уильям Харрисон эса очиқ майдонда, изғирин совуқда 8445 сўздан иборат салкам икки соат бетўхтов гапиради ва оғир шамоллаш натижасида орадан бир ой ўтгач вафот этади.

⇨ 5-бет

## Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ



Тўйдан кейинги таъма, миннат, қарз юкини, тўй ташвишини ҳазм қилиб яшаш-чи? Ҳаёт давом этаверади. Тўйдан кейинги “юзочар”, чаллари, ҳафталик ҳайит, туғилган кун маросимлари-чи?

⇨ 6-бет

## ПОЙТАХТ КЎКСИДАГИ ЁҚУТ



Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ғоя ва таклифлари асосида бунёд этилган пойтахтимиздаги “Минор” масжиди шундай кўркам обидалардан биридир.

⇨ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллерни қабул қилди.

20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинди.

20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегиясининг лойиҳаси муҳокамаси юзасидан турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ригада “Ўзбекистон – Латвия ҳамкорлиги. Латвия учун янги имкониятлар” мавзуида бизнес-семинар бўлиб ўтди.




ТАКЛИФ БИЗДАН – ТАШАББУС СИЗДАН



# КИТОБХОНЛИК ВА МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

## муаммолар ечими ўз қўлимизда

Айни кунда китоб мутолааси керакми, йўқми, деган саволни қўйиш худди ташна одамга сув ичасанми, деган саволни беришга ўхшайди. Зеро, ўқиш, илм олишга интилиш азал-азалдан халқимиз фитратида мавжуд. Даврлар эврилиши ғалати, бизлар китоб ўқишга муккасидан кетган 70-йилларда, ота-оналаримиз “Кўп китоб ўқима, миянг суюлиб кетади”, деб танбеҳ беришарди. Бугунги ёшларга китоб ўқишни гапирсанг, энсаси қотади. Аммо биз бу ўринда ёшларни мутлақо айбламоқчи эмасмиз, агар жамиятда билим-маърифат, адабиёт қадр-қиммат топса, албатта, азиз болаларимиз китобга қайтишларига ишонаман. Бугун китобларни чоп этиш, уларни тарқатиш тизимини такомиллаштириш ва энг муҳими, китоб чиқариш ва китобхонликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганидан қувонишимиз керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши таъбир жоиз бўлса, ҳаётимиз, тафаккуримиз ва маънавиятимизда ғоят улкан воқеа бўлди. Ушбу саъй-ҳаракат миллий адабиётимиз ва маънавиятимиз равнақида катта силжишларнинг дебочаси бўлишига астойдил ишониб турибмиз. Айниқса, бу ўринда хориж тажрибасини ўрганиш, ёшлар ўртасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга талабни ўрганиш каби масалаларнинг кўтарилгани ғоятда таҳсинга лойиқдир.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон дунёга келар экан, атроф-муҳитга, ўзи ўсиб-улғайган жамиятга тафаккур нигоҳи билан боқиб, ундан ибрат олади, хулосалар, фикр-тушунчалар билан бойийди ва шуларга таянган ҳолда инсон бўлиб шаклланади. Чинакам бадиий адабиёт ана шу фикру хулосаларни бениҳоя гўзал бир тарзда ифода этади, энг таъсирчан, унутилмас воқеалар воситасида теранлаштиради, мустаҳкамлайди. Бир сўз билан айтганда, адабиёт одам боласида чин инсоний фазилатларни шакллантиради. Унутмаслигимиз керакки, шахсияти мазкур мезон ва фазилатлардан мосуво кимса ҳалол ва яхши ишчи ёки хизматчи тугул, том маънодаги инсон ҳам бўла олмайди. Фуқароларида ушбу мезон ва фазилатлар шаклланмаган жамиятда эса соф маънавий-иқтисодий тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас. Бундай жамиятни бир-бирини алдовчи, таловчи, бир-бирининг ҳақини ейишдан қўрқмайдиган бешафқат оломон, десак, сира-сира хато қилмаймиз.

Аччиқ бир ҳақиқатни тан олайлик, айни пайтда кўпчилик мутолаа қилишга ажратиладиган вақтини бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетган сериалларга, кўнгилочар газеталар, уларда босилаётган олди-қочди, бадиийликдан минг чақирим йироқ “ҳикоя”ларга сарфламоқда. Улар миллий ва жаҳон мумтоз адабиётига мансуб асарларнигина эмас, умуман ҳар қандай китобни агар у андак ўйга толдирадиган, тафаккурга чорлайдиган жиддийроқ бўлса, ўқишни хоҳлашмаяпти.

2 ⏩

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!




# «АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг, шунингдек, хўжалик судлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган танловни эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиода берилган хўжалик судлари тизимидаги ислоҳотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий хўжалик суди матбуот котибига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга учта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2017 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари:**

**1-ўрин учун** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг I даражали дипломи ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида пул мукофоти;

**2 та 2-ўрин учун** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг II даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти;

**3 та 3-ўрин учун** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг III даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

*Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Олий хўжалик суди биноси.*

***Телефон: 273-94-82,* электрон почта: press@oxs.uz**

Ҳурматли муштарийлар,

2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин.
Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг.
Бундан ташқари, “Hurriyat”да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



# Ижтимоий ислоҳотларда ННТлар иштироки кўринсин

ФАОЛИЯТ

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида бошланган ислоҳотларда фаол иштирок этиш барчанинг фуқаролик бурчи саналади. Бу саъй-ҳаракатлар ва ўзгаришларга халқимиз ҳам хайрихоҳлик билдирмоқда. Бунда барча, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳам бирдек жонбозлик кўрсатсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Юртимизда давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркин фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилган.

Айниқса, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада ривожлантириш ва уларни давлат гранти, ижтимоий буюртмаси ҳамда субсидиялар шаклида моливий қўллаб-қувватлаш тизими яратилган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Парламент комиссиясининг 2016 йил фаолияти юзасидан навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда парламент комиссияси аъзолари, сенаторлар, депутатлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоя қилинадиган кучли фуқаролик жамияти шаклланганини алоҳида таъкидлади.

— Жамиятда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқларда фуқаролик жамияти институтларининг муносиб ҳиссаси бор. Парламент комиссияси қарори асосида молиялаштирилаётган лойиҳалар натижаси жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ишга жойлаштириш, кексалар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларда яққол намоён бўлаётир, — деди у.

2 ⏩

# КИТОБХОНЛИК ВА МУТОЛАА МАДАНИЯТИ

## муаммолар ечими ўз қўлимизда

« Бошланиши 1-бетда

Яна бир гап, бугунги кунда биз фарзандларимиз китобдан узоқлашиб бораяпти, деган гапга ёпишиб олиб, бунда дарров замонавий техника ва технологияларни, интернетни айблашга тушамиз. Ҳолбуки, глобаллашаётган дунёда бутун инсоният техникадан унумли фойдаланмоқда, лекин улар китобларни, айниқса, мумтоз адабиётни асло четга суриб қўйишаётганлари йўқ. Китобхонлик даражаси борасида жаҳон мамлакатлари рейтингларини кўриб чиқиб, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Хорижда ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари аввалгидан қизғинроқ, жиддийроқ йўсинда олиб борилмоқда. Турли анжуманлар, муҳокамалар, адиблар билан учрашувлар, китоб байрамлари сифати ортиб бормоқда. Ўрта мактаблар дастурига мутолаа бўйича махсус дарслар киритилмоқда. Бу дарсларда ўқувчиларда китобга муҳаббат, матнни тушуниб, тўғри талқин қилиш, эслаб қолиш кўникма ва малакалари шакллантирилмоқда. Бунинг натижасида АҚШ, Янги Зеландия, Жанубий Корея, Финляндия мамлакатларида китобхонлар сони анча кўпайган.

Бугун китоб дўконларимизда, ахборот ресурс марказларидаги китоблар орасида дурдона миллий ёдгорликларимиздан – "Қутадғу билиг", "Девону луғотит турк", "Темур тузуклари", "Хамса", "Бобурнома" сингари асарларни учратиш амримаҳол. Замонавий, истеъдодли шоирларимизнинг шеърий китоблари ҳам сотувларда деярли йўқ ҳисоби. Алишер Навоийнинг йигирма жилддан иборат асарлари маълум бир тиражларда босилиб чиқди. Аммо назаримизда булар кам, чунки Навоий нафақат мактаб ва институт кутубхоналари, балки ҳар бир ўзбек хонадонида бўлиши зарур. Навоийни қўя туринг, ҳатто Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи ҳар юзта ўқувчидан бир ёки иккитасига тўғри келаётганига нима дейсиз?! Қодирийнинг энг машҳур асари шунчалик кам тиражда босилаётган экан, бошқалар ҳақида гапирмай қўя қолайлик.

Китоб савдоси ва нархи энг оғриқли нуқтамизга айланган, десам асло муболаға бўлмайди. Аммо китоб картошка ёки пиёз эмас, китоб бу китоб. Уни бир кунда ёки бир ойда сотиб, айниқса, ундан тезда фойда кўриб бўлмайди. Китоблар танқчиллиги борасида гап кетганда аввало нарх муаммосига дуч келамиз. Очиғи, бизда китоблар қиммат, қолаверса, ҳаммаси келишилган нархларда. Тошкентда ўн минг сўм турган китоб Бухоро ёки Сурхондарёда икки-уч баравар қиммат сотиляпти. Бу ҳам китобхонларнинг шаштини анча пасайтиради, китоб нархи сиёсатида кўплаб чалкашликларни келтириб чиқаради. Бундан келиб чиқадиган хулоса, демак, китоблар мазмунан юксак савияда, сифатли, арзон ҳамда қатъий нархларда бўлиши керак.

Ҳозир телевизор ва матбуотда чиқиш қилаётган кўпгина ноширлар, мутахассислар бу борада аниқ таклифлар беришга ожизлик қилишяпти. Бизнингча, бунинг ечими бор, бу ҳам бўлса, адабий доирада эътироф этилган, мутахассислар тавсия этган китобларни йирик тиражларда чоп этиш. Такрор бўлса-да айтамизки, муаллиф, китоб ва китобхон ўртасидаги узилишни тиклаш учун босилаётган китобларнинг ададини қўрқмасдан оширган ҳолда китоб баҳосини тубдан арзонлаштириш лозим. Бундай китоблар дўконларда узоқ вақт туриб қолмайди. Қолаверса, китоб муаллифлари бўлган заҳматкаш ижодкорлар ҳам меҳнатига яраша қалам ҳақи, яъни рағбат олади. Моддий ва маънавий рағбат эса уларни янада яхши асарлар ёзишга, керак бўлса, ўз асарлари билан дунё адабиётига чиқишга ундаши турган гап.

Хуллас, китоб чиқариш ва сотиш борасида мураккабликлар ва чалкашликлар жуда кўп. Оддийгина мисол, бир ижодкор танишимиз ўтган йили нуфузли нашриётда ўз ҳисобидан китоб чиқарди. Нашриёт китобларни чиқариб беришга берди-ю, аммо муаллиф бир неча йиллар меҳнат қилиб ёзган китобини эндиликда кимга, қаерда сотишни билолмай ҳайрон. Албатта, муаллиф бир неча китоб дўконларига ҳам мурожаат қилди, лекин китоб дўконлари ҳам жисмоний шахсдан китоб олишни маъқул кўрмади, шекилли, сотиб олишни исташмади. Тўғриси, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда аниқ таклиф шуки, республика бўйича китоб савдоси билан шуғулланадиган, шунинг увол-савобига жавоб берадиган муассаса бўлиши лозим.

Бизда ҳозир таълим тизимида ўн мингдан зиёд мактаб, 1800 та коллеж, 60 дан ортиқ олий ўқув юртлари бор. Хўш, бугун Халқ таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, уларнинг жойлардаги бошқармалари томонидан инсонни тафаккурга чорлайдиган бирорта насрий ёки шеърий китобга ўн минг ёки йигирма минг нусхада буюртма тушаяптими? Ҳолбуки, нашр этилаётган китоблардан ўн мингтасини Халқ таълими тизими олганда ҳам ҳар битта мактабга атиги биттадан китоб тўғри келади.

Шу ўринда китоблар савияси ва албатта, муаллифлар масаласига ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бугун ахборотлар оқими ниҳоятда катта, чексиз. Ўқувчи шу ахборотлар орасидан энг сараларини, ўзига маъқулини, муҳимини танлаб, саралаб олиб ўқиши керак. Бунинг учун энг яхши асарлар юзасидан холис илмий мунозаралар, амалий машғулотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Яхши китобларнинг телевидение, ОАВдаги тарғибот ва тақдимотлари ҳам айниқса, катта самара беради. Албатта, қайси асарни ўқиш ҳар кимнинг шахсий иши. Бировни зўрлаб бунга қизиқтириб бўлмайди. Лекин афсуски, бугун истеъдодли шоир ёки адиб китобини чиқаролмай, чиқарган тақдирда ҳам сотолмай ўтирган бир пайтда адабиётга мутлақо алоқаси йўқ кимсалар бадииятдан йироқ, ҳатто инсоний одоб-ахлоққа зид бўлган жилд-жилд китобларни чоп этиб, дўконлару мактаб ва коллеж ўқувчиларини ўз "ижод"ларидан баҳраманд этишмоқда. Кўплаб хусусий нашриётлар китобнинг нондай азиз ва поклигига путур етказиб, мазаматрасиз, имловий хатолар ғиж-биж китобларни чиқариш ишига ўз "ҳисса"ларини қўшишмоқда. Алал-оқибатда бу бир жиҳатдан зукко ёшларни китобдан бездириб қўйса, иккинчидан одамларнинг тарбиясига, маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунга эса асло лоқайд қараб бўлмайди. Бизнингча, умуман, таълим масканларидаги кутубхоналарга бадиий адабиёт ниқоби остида сохта ва саёз нарсаларни турли йўллар билан кириб келишига зинҳор йўл қўймаслик керак.

Назаримизда, китобга, китоб мутолаасига муносабатни тубдан ўзгартириш учун аввало, зиёли ўқитувчиларга суянишимиз керак. Яъни китоб тарғиботчилари қанчалик билимли, зиёли бўлса, шунча ижобий натижага эришиш мумкин. Айтиш керакки, китоб чиқариш ва сотиш бу чўнтакни қаппайтириш ёки бизнес қилиш эмас. Китоблар қайси жанр ёки мавзуда бўлишидан қатъи назар, у маънавият қуроли эканини масъулият билан тўла-тўкис англашимиз лозим. Иқтисодий зарарни ҳамма вақт тўлдириш мумкин, лекин маънавий зиённи қоплаб бўлмайди. Сўзнинг, адабиётнинг қадрини қанчалик юксак кўтарсак, маданиятимиз, маънавиятимиз шунчалик юксалади. Мана шунда чаласаводликдан халос бўламиз, мана шунда болаларимиз жиноятчилик, турли бемаъни оқимлар кўчасидан минг чақирим узоқда бўлади. Ўзининг кимлигини, ўзлигини билган инсон ота-она, она Ватан, ватанпарварлик деган муқаддас қадриятларнинг туб моҳиятини англашга қодир бўлади.




Китоб тафаккур қанотидир, деган эди аллома адибимиз Ойбек. Биз бугун янги даврга қадам қўйдик. Дунё яна илмга, тафаккур — интеллектга интилмоқда. Зеро, инсоният учун фақат ва фақат тафаккургина нажот бўла олади. Чиндан ҳам улуғ ва мўътабар китоблар инсонийлик, ҳалоллик, шафқат ва имон уруғларини қалбимизга экади. Бизни оламшумул кашфиётлар, буюк бунёдкорликлар сари даъват этади. Мушкул онларимизда бизга ҳаммаслак ва дўст бўлиб тўғри ва оқил йўлни кўрсатади. Шу боисдан ҳаётимизда "ўқимишли инсон" деган ибора бошқача жаранглайди.

Олим, зиёли инсонларни иззат-ҳурмат юзасидан уйимизнинг тўрига ўтказсак, билимсиз кишидан бирор хатолик ўтганда "ҳа, энди, китоб кўрмаган бир бечора-да", дея айбини кечириб юборамиз. Дунё бизга ҳавас билан боқадиган ўқимишли ва китобхон мамлакат бўлишимиз учун китоблар шунчаки жавон безаги эмас, балки кўнглимизнинг бебаҳо мулкига айланиши керак. Шундагина фарзандларимиз қалбига эзгу ғояларни сингдириб, уларни комил инсон қилиб тарбиялашимиз мумкин.

**Абдумажид АЗИМОВ,**
**Адиба УМИРОВА**
**"Hurriyat" мухбирлари**

# Ижтимоий ислоҳотларда ННТлар иштироки кўринсин

« Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан 11 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган эди. Ҳисобот даврида эса, қўшимча танловлар эълон қилингани натижасида Парламент комиссияси қарорлари асосида жамоат фонди томонидан 275 лойиҳа ва дастурларни давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлар ҳажми 12,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

— Ўтган йилда турли йўналишларни қамраб олган давлат грантлари учун 7 та танлов ўтказилди, — дейди, Фонд директори Адбужалил Тўраев. — Уларда 1264 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан 1428 лойиҳа тақдим этилди. Шундан 254 ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа бўлиб унга 6 миллард 222,9 миллион сўм йўналтирилди. Давлат ижтимоий буюртмаси асосида 13 лойиҳа учун 2,3 миллиард сўм, давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватланган жамоат ташкилотларининг ижтимоий режаларига 3,5 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Шунингдек, йиғилишда Парламент комиссиясининг бугунги иш фаолияти танқидий баҳоланди. Жойларда мавжуд ижтимоий муаммоларга етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.

— Жорий йилда эълон қилинадиган танловлар мавжуд муаммоларни бартараф этилишга қаратилиши лозим. Энг муҳими битта давлат гранти учун кечадиган рақобатни кенгайтириш зарур, — дейди Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов. — Бу борада жойларда медиа конференцияларни ўтказишни таклиф қиламан. Тадбирларимизни фақат пойтахтда эмас вилоятларда ННТ ва фуқаролик жамияти институтлари нигоҳида ўтказиш мантиқан тўғри қарор ҳисобланади.

Шунингдек, йиғилиш Парламент комиссияси ваколатига таалуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Жобир РАЗЗОҚОВ**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ИСТАГИ – СИФАТ ВА ТЎҒРИЛИК

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси 2002 йилда ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотдир. Бугунги кунда унинг тизимида 14 та ҳудудий бирлашма, 193 та туман (шаҳар) жамияти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, хусусан, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўз Устави асосида фаолият олиб бораётган Федерациянинг бош мақсади истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига зарарли товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишдан иборатдир.

20 январь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Федерациянинг 2016 йил фаолият якунлари ҳамда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга ошириладиган устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) жамиятлари ижро этувчи аппарати раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда қайд этилишича, ҳисобот йилида Федерация, унинг ҳудудий тузилмалари ва туман (шаҳар) жамиятларига истеъмолчилардан жами 9908 та ёзма, оғзаки (10-91 рақамли ишонч телефони орқали) ва электрон мурожаат (ариза, таклиф ва шикоятлар) келиб тушди. Ушбу шикоят ва аризаларнинг 9222 таси, яъни 93,1 фоизи ижобий ҳал этилди ва етказилган 3 миллиард 860 миллион сўмдан ортиқ зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Бугун истеъмолчилар ва уй-жой коммунал, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва коммуникация, сервис, тиббий хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари ўртасидаги муносабатларда баъзи англашилмовчиликлар бўлиб турганини инкор этиб бўлмайди. Буни юртдошларимиз томонидан қилинган мурожаатларнинг 2863 таси (жами аризаларнинг 28,9 фоизи) табиий газ таъминоти, 2343 та ариза (23,6 фоиз) савдо, 1526 таси (15,4 фоиз) электр таъминоти, 335 таси (3,4 фоиз) коммунал хизмат кўрсатиш, 308 таси (3,1 фоиз) сув таъминоти, 156 таси (1,6 фоиз) транспорт, 185 таси (1,9 фоиз) алоқа, 162 таси (1,6 фоиз) соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли эканини ҳам исботлайди. Шунингдек, мурожаатларнинг 2030 таси (20,5 фоиз) бошқа соҳаларга тааллуқлидир.

Истеъмолчи фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни самарали ташкил этиш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида Федерациянинг виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Ариза, таклиф ва шикоятлар унинг www.istemol.uz вебсайти орқали онлайн режимда қабул қилинмоқда.

Шунингдек, мурожаатларни Федерация тизимидаги **10-91** қисқа рақамли ишонч телефони орқали тўғридан-тўғри йўллаш имконияти ҳам мавжуд. Айни пайтда фуқароларнинг мурожаатлари тезда қабул қилиниб, ижро учун Федерациянинг ҳудудий бирлашмалари ва тегишли назорат қилувчи органларга юборилмоқда, истеъмолчиларга, амалдаги қонунчиликка асосан, ваколат доирасида тушунтириш ва маслаҳатлар берилмоқда.

Йиғилишда Федерация истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида хорижий мамлакатлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари билан тажриба алмашиш мақсадида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ҳам кенгайтираётгани ҳақида ҳам ахборот берилди.

Албатта, бу каби хабарлар кишини қувонтиради. Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқлари тўла таъминланган, уларнинг барча муаммолари ҳал этилаётган экан, деган хулосага бошлаши мумкин. Бироқ реал ҳаётга боқиб, бу борадаги муаммоларимиз ҳали етарли эканини англайсиз.

Йиғилишда Федерациянинг 2016 йил фаолияти танқидий-таҳлилий муҳокама қилиниб, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Федерациянинг барча ҳудудий бирлашмалари ва уларнинг туман (шаҳар) жамиятлари ҳузурида "Истеъмолчи билан мулоқот" ҳуқуқий маслаҳатхоналарини ташкил этиш, шунингдек, фаолиятни бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш, аҳоли (истеъмолчилар) билан доимий мулоқот қилиш, мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини яратиб, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Элмурод МАҲМАРАЙИМОВ тайёрлади.**

## ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасида Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ва Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигидаги "Йил сарҳисоби: 2016 йилдаги фаолият якунлари ва истиқболдаги режалар»га бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

# ФАОЛИЯТ ЯКУНЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат ходимлари ва фаоллари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва тиббиёт ҳамда бошқа соҳаларда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Даставвал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи раҳбари Борий Алихонов Экоҳаракат ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалдаги экологик қонунчиликни такомиллаштириш, борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақидаги маърузаси тингланди.

Маърузачининг таъкидлашича, 2016 йилда экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари иштирокида Давлат дастурлари ижросини таъминлаш, атроф муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш мақсадида, қатор амалий тадбирлар амалга оширилди. Ҳисобот даврида Экоҳаракат томонидан 100 000 дан ортиқ фаоллар ва экспертлар қатнашган 1300 дан зиёд амалий-таҳлилий тадбирлар ўтказилган.

Бундан ташқари, атроф муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида 240 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ва Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан 8 та, шу жумладан, 1 та янги, 4 та янги таҳрирдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳалари устида иш олиб борилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш» тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

— Мазкур қўмита аъзолари томонидан 2016 йилда жойларда сайловчилар, Экоҳаракат фаоллари билан 50 дан ортиқ учрашувлар ўтказилиб, уларда 7 мингга яқин фуқаролар иштирок этди, — дейди гуруҳ раҳбари Б.Алихонов. — Ҳозирда депутатлик гуруҳи томонидан «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг янги таҳрири устида жадаллик билан ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, «Ҳайвонот дунёсини ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрлаш устида иш олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлашим зарур.

Ўтган даврда Экоҳаракат «Ишонч телефони»га фуқаролардан 500 га яқин мурожаатлар келиб тушган. Ушбу мурожаатларни жойига чиқиб ўрганиш мақсадида 100 га яқин экологик рейдлар ташкил этилди.

Матбуот анжуманининг иккинчи қисмида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов қўмита томонидан 2016 йилда амалга оширилган ишлар бўйича тўхталди. Қўмита раисининг таъкидлашича, қонун ижодкорлиги, қонунчиликни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, уларни тайёрлашда мутахассислар, олимлар, амалиётчилар ва кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, парламент назоратининг шакллари бўлган — парламент сўрови, депутатлик сўрови, парламент эшитувларини ўтказиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

— Қўмита депутатлари ўз фаолиятини беш йўналишда олиб борди, — дейди А.Саидов. — Жумладан, қонун ижодкорлиги фаолияти, қонунларнинг ва ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибида ўрганиш ва Қўмита қарорларининг ижроси назорати, қонунларнинг тарғибот қилиш ва маърифий — ахборот тадбирларини ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида ахборот-маърифий ва тарғибот материаллари орқали чиқишлари ташкил этилди. Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Қўмита томонидан «Соғлом она ва бола йили»да фуқаролик жамияти институтлари тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш мавзусида Республика конференцияси ўтказилди.

Анжуманда таъкидланганидек, қонун ижодкорлиги фаолияти тартибида 5 та қонун лойиҳалари, шу жумладан, 2 та янги қонунни ишлаб чиқиш, 20 дан ортиқ амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасидаги ишлар амалга оширилган.

Жумладан, 2016 йилда мазкур Қўмита масъуллигида «Парламент назорати тўғрисида»ги ҳамда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари қабул қилинди. Шу билан бирга, «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, Қўмита аъзолари 3 та назорат таҳлил тадбирларида иштирок этишган. Хусусан, Тошкент вилоятида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, Андижон вилоятида «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, Самарқанд вилоятида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ҳамда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижроси ўрганиб чиқилди ҳамда уларнинг якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

Тадбир якунида мухбирларнинг саволларига иккала Қўмита раҳбарлари атрофлича жавоб қайтаришди.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

# Имтиёзлар ислоҳотларимиз самараси учун хизмат қилади

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йилларида иқтисодий, ижтимоий, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт ва санъат жабҳалари қаторида ахборот ваноширлик соҳаларида ҳам юксалиш даври бўлди. Бунда аввало давлатимиз томонидан соҳанинг устувор йўналиши сифатида оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани соҳа ривожини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.



Бинобарин, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган эркин оммавий ахборот воситалари ва ноширлик фаолиятининг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, амалга оширилаётган бунёдкорлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби эзгу мақсадлар мужассамдир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида соҳанинг муваффақиятли фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасини тартибга солувчи ўндан зиёд қонун ҳамда 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳуқуқий кафолатларнинг самараси ўлароқ истиқлолнинг илк йилларида юртимизда жами 395 та турли ОАВ фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 1400 тадан ортди. Уларнинг мингдан ортиғи босма даврий нашрлар, 4 та ахборот агентлиги, 65 та теле, 35 та радиоканаллардан иборат. Рўйхатга олинган даврий нашрларнинг 155 тадан ортиғи ёшлар, болалар ва ўсмирлар ҳамда спорт йўналишларига ихтисослашгани ҳам соҳанинг болалар ва ёшлар тарбиясига қаратилаётган эътибордан далолат беради. Шу билан бирга глобал ахборот тармоғи – интернетни ахборот соҳасига кенг татбиқ этиш натижасида ОАВнинг янги замонавий кўриниши – интернет-нашрлар кун сайин ривожланиб, айни пайтда 395 та интернет-нашрлар (веб-сайтлар) Ўзбекистон ҳаётига доир (ўзбек ва рус тилларидан ташқари) жаҳоннинг 7 тилида ахборот тарқатиш билан шуғулланмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, газета ва журналларнинг 100 дан ортиғи рус, қорақалпоқ, инглиз, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, корейс тилларида нашр этилмоқда.

Интернет тармоғи орқали республиканинг 11 та телеканали, 12 та радиоканали ўзбек ва рус тилларида ҳамда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, испан, араб ва хитой каби тилларида мамлакат ҳаётига оид ахборотларни тезкор тарқатишда иштирок этмоқдалар.

Шу билан бир қаторда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлаш мақсадида 100 дан зиёд давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда молия ва хўжалик юритувчи йирик субъектларининг веб-сайтлари яратилган.

Жаҳон интернет-ахборот маконида миллий ахборот сегментининг ошиб бориши эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда истиқлол йилларида ноширлик ва матбаа соҳаси ҳам мамлакат иқтисодиётининг алоҳида тармоғи сифатида барқарор ривожланиб келаётганлигини келтириб ўтиш жоиз. Агар 1991 йилда Республикамизда жами 9 та нашриёт фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони 13 баробар ўсиб, 120 тага етгани юртимиз аҳолиси ўртасида китобхонлик даражасининг ўсишига хизмат қилмоқда. Айни пайтда республика нашриётлари томонидан йилига 4,5 мингга яқин номда, умумий тиражи 60 миллион нусхадан ортиқ адабиётлар нашр этилмоқда.

Кўриб турибмизки, оммавий ахборот воситалари ахборот соҳаси ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим субъекти сифатида ҳар доим давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинган. Яқин кунларгача бундай қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тақдим этилаётган имтиёзлар ҳисобланарди. Мазкур қарорнинг амалга татбиқ этилиши туфайли 2012 — 2016 йиллар давомида республикамиз ОАВлари ҳамда нашриёт-матбаа корхоналарида қарийб 33 миллиард сўмлик маблағлар иқтисод қилиниб, у соҳани янада ривожлантиришга йўналтириб келинди. Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори асосида ушбу имтиёзларнинг яна икки йилга узайтирилиши миллий оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга, журналистлар меҳнатини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришга, миллий масс-медиа воситаларининг рақобатбардошлигини оширишга қўшимча имконият яратиб беради.

Шу билан бирга Президентимизнинг куни кеча эълон қилган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши мамлакатимизда ноширлик соҳаси ва аҳоли ўртасида китобхонлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади, дейиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида ташкил этиладиган комиссия томонидан китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш каби бир қатор вазифаларнинг белгиланганлиги мазкур соҳанинг янги ривожланиш босқичини бошлаб беришга хизмат қилади. Бу ўринда ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки маънавий етук, билимли авлодгина ислоҳотларимиз давомчиси, мамлакатимиз келажагининг бунёдкори ва ҳақиқий эгаси бўла олади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ва нашриётларга берилган солиқ имтиёзлари муддатининг узайтирилиши юқорида тилга олинган эзгу ишлар кўламининг янада оширилишига хизмат қилиши аниқ. Зеро, бунинг асносида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш, ноширлар ва матбаачилар меҳнатини рағбатлантириш учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очиб беради.

**Марҳабо ҒАФУРОВА, Нўъмон АКБАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари,**
**Ахборот ва коммуникация технологиялари**
**масалалари қўмитаси аъзолари**

МУНОСАБАТ

# ОДАМИЙ ЭРСАНГ, ДЕМАГИЛ ОДАМИ...

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунлари юртдошларимизда кўтаринки кайфият уйғотди**

Алишер Навоий бобомиз машҳур мисраларида қайд қилганидек, инсон фақат халқ ғами, эзгу ишлар хаёли билан яшаши керак.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида қишлоқ врачлик пункти, Мурувват уйи, мактаб, масжид, шифохона ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида бўлиб, одамлар билан суҳбатланди, яратилган шароитлар билан танишди.

Президентимизнинг шифохонада даволанаётган беморлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳол-аҳволини суриштиргани, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва шарт-шароитлар билан яқиндан танишгани мени ҳаяжонга солди. У киши Хўжайли туманидаги қишлоқ врачлик пунктида бўлганида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида қилиниши лозим бўлган ишларни батафсил тушунтириб берди.

2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинишида катта маъно мужассам. Халқ билан мулоқот инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир. Чунки бевосита учрашув-мулоқот жараёнида нафақат муаммонинг асл сабаби аёнлашади, балки уни бартараф этиш юзасидан таклифлар ўртага ташланади. Айниқса, раҳбарларнинг эл орасига кириши хайрли ишдир. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бундай ташаббус Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди чиқишларида дастлаб кун тартибига қўйилган эди.

Мамлакатимизда барча соҳаларга бирдек эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон биз, нуронийлар учун алоҳида ғамхўрлик бўлди. Кексаларни ҳурмат қилган, ёш авлод камолини ўйлаган жамиятнинг келажаги нурли бўлади.

Президентимиз ўзининг ҳар бир чиқишида ёши улуғ кексаларга алоҳида ҳурмат кўрсатади. Мамлакатимизда кексаларга ғамхўрлик қилиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига, содда қилиб айтганда, халқимизга хос юксак фазилатлардан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбари Имом Эшон Муҳаммад масжидида нуронийлар билан самимий суҳбатлашди. Учрашувда кексаларни эъзозлаш, ёшлар тарбияси ҳақида сўз юритилар экан, дуода гап кўплиги, дуо олган кам бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Халқимизда "Дуо билан эл кўкарар", деган гап бор. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни халқимиз катта кўтаринкилик билан кутиб олмоқда. Ёши улуғлар доимо дуода.

Президентимиз кексаларнинг санаторияларда дам олиши учун бир йилда бир марта бепул йўлланма бериш, агар улар бора олмаса, йўлланманинг пулини беришни таклиф қилди. Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларида туманларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча қулайликларга эга, арзон замонавий уй-жойлар қурамиз, деган эди. Бугун Кегейли туманида бу уй-жойларнинг дастлабкилари фойдаланишга топширилди. Ишларнинг шиддат билан, тизимли равишда олиб борилаётгани барчамизни қувонтирмоқда.

Қорақалпоғистондаги учрашувлар, халқ билан мулоқотлар одамларни руҳлантириб, уларни янги бунёдкорлик ишларига ундамоқда.

**Шароп УСНАТДИНОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси**
**Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси.**
*ЎзА*

# ҲАР БИР ЙИГИТНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

ЁШЛАР ФИКРИ

Мамлакатимиз Мудофаа Қуролли кучлари ташкил топганлигининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланиб ўтказилган байрам тантаналари ва унга тайёргарлик кўриш жараёнида турли соҳа вакиллари билан ўтказиладиган учрашувлар, анжуманларда иштирок этиб, шу нарсани ҳис қиламизки, бугун ҳарбий соҳада хизмат қилиш нафақат фахрли бурч, балки шон-шараф ишига айланган.



Мен мустақиллик фарзандиман. Менинг тенгдошларим – мустақил мамлакатда туғилган бахтиёр ёшлар. Истиқлолдан аввалги замонларда йигитлар улғайгани сари уларнинг ота-оналари хавотирга тушганларини, армияда хизмат қилиш ҳақида ўйлаганда кўпчиликнинг юраги безиллаганини, айниқса, ўзбек йигитлари асосан қурилиш соҳасига жалб қилинганини, бир томонда Афғонистондаги уруш аскар йигитлар жонига даҳшат солиб турганини эшитганмиз. Бугунги кунда эса, аскар бўлиш, Миллий армиямиз сафида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзуси. Лекин айни пайтда, бундай орзунинг амалга ошиши ўз-ўзидан бўлмаслиги барчага яхши аён. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш учун жисмоний жиҳатдан чиниққан, етарлича билимга эга, тартиб-қоидаларга оғишмай амал қиладиган салоҳиятли ёшлар саралаб олинмоқда. Маълумотларга қараганда, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳарбий хизматга чақирувда 1 ўринга 9 нафар чақирилувчи тўғри келаётган экан. Бундай талабларга жавоб бериш учун ҳар бир йигит болаликдан тайёргарликни бошлаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, пухта билим эгаллашга интилиши, тартиб-интизомга ўрганишни ўзига одат қилиши зарур бўлади.

Ҳозирги кунда йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш, бир пайтлардагидек минг бир хавотир ва изтироб билан эмас, балки ўзига хос тантаналар билан амалга оширилмоқда. Ўз она Ватани бағрида унинг тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаш йигит кишига ғурур бағишлайди, албатта. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳар бир чиқишида: "Биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз", — деб таъкидлар эди. Ана шу оқилона сиёсат туфайли Ватанимиз сарҳадлари тинч. Бизнинг эртанги кунга бўлган ишончимиз мустаҳкам.

Лекин шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, бугунги кунда дунёда сиёсий вазият ниҳоятда мураккаб. Инсониятнинг душмани бўлган терроризм бутун дунёга хавф солмоқда. Турли давлатларда давом этаётган хунрезликлар ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди. У ерларда ҳар куни юзлаб, минглаб одамлар, айниқса болалар нобуд бўлмоқда. Ўн минглаб одамлар ўз уйларини ташлаб, бегона юртлардан бошпана излашмоқда. Шундай экан, ҳар қайси давлат ўз ҳудудининг дахлсизлиги, фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун ўзининг мустаҳкам, ишончли армиясига эга бўлмоғи ва унга таянмоғи керак.

Бизнинг Миллий армиямиз осойишта, тинч ва фаровон ҳаётимизни асраш учун барча имкониятларга эга. Ҳарбий хизматчиларга хизматни аъло даражада ўташлари учун етарлича шарт-шароит яратилган, замонавий ҳарбий техникалар билан таъминланган. Уларнинг оилалари учун ҳам қулай имкониятлар ҳозирланмоқда. Ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун имтиёзлар берилмоқда. Бу, албатта, армиямиз таркибини салоҳиятли кадрлар билан тўлдиришда, унинг қудратини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида сўзлаган нутқида: "Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишларга қарши кескин зарба беришга қодирмиз", — дея қатъий ишонч билан таъкидлади. Бугунги армиямиз шундай ишонч билдиришга ҳар жиҳатдан муносиблигига шубҳа йўқ.

Ватан ҳимояси – у нима ўзи? Фақат эгнига ҳарбий кийим кийиб, хизмат бурчини ўташми? Йўқ. Шу юртда яшаётган ҳар бир йигит киши ўзини юрт ҳимоячиси деб билиши, шунга муносиб бўлиши зарур. Ватан ҳимояси деганда фақатгина унинг ҳудудини ташқи таъсирлардан қўриқлашни эмас, балки унинг шаънини, дунё ҳамжамиятидаги обрўсини ҳимоя қилишни ҳам тушунишимиз лозим. Биз бугун олаётган билимимиз, спортдаги чиниқишларимиз, турли соҳалар бўйича истеъдодимизни намоён этиш билан келгусида Ватанимиз шаънини ҳимоя қиламиз. Ана шундай эзгу мақсад йўлида ташлаган қадамимиз, эришган ҳар битта ютуғимиз жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақ топишига, ҳимояси янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини ҳар дақиқа англаб яшамоғимиз керак.

**Ойбек АБДИРАЖАБОВ,**
**Тошкет давлат**
**иқтисодиёт**
**университети талабаси**

# Инсон қонун ҳимоясида

АНЖУМАН

Маълумки, касаба уюшмалари ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда катта мавқега эга. Шунинг учун ҳам фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида 2016 йилнинг 28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"-ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўп сонли ишчилар манфаатини кўзлаб қабул қилинган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Яқинда мана шу қонунлар моҳиятини соҳа ходимларига кенгроқ таништириш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Унда бошланғич касаба уюшма аъзолари, Тошкент шаҳар кенгашининг депутатлари, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг вакиллари иштирок этди. Анжуманда соҳа мутахассислари сўзга чиқишди.

– Янги таҳрирдаги "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунда касаба уюшмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди, – дейди Тошкент шаҳар кенгаши депутати Нигора Эшметова. – Қонунга ўзгартишлар киритилиши касаба уюшмаларининг ҳуқуқий ҳимоя функцияларини ҳам кучайтирди. Хусусан, меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг соддалаштирилган ва самарали воситаси сифатида судга даъво аризасидан ташқари суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи киритилди. Шунингдек, ходимларнинг алоҳида тоифалари, якка тартибдаги тадбиркорлар, ҳунармандлар ва бир марталик ишларда банд шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бирлашиш эркинлиги кафолатлари мустаҳкамланди. Бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар ишлайдиган жойларда, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудлар даражасида касаба уюшмалари ташкилотларини тузиш ва фаолиятини таъминлаш тартиби белгиланди. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларга ҳам касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилиб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлиги оширилди.

Давра суҳбатида Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бўлим мудири Равшан Маҳамадалиевнинг чиқиши кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

– "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун ҳар бир иш берувчию ходимга тегишлидир, — дейди Р.Маҳамадалиев. — Афсуски, кейинги йилларда корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси қоидаларига тўлиқ амал қилинмаганлиги сабаб турли кўнгилсиз ҳолатлар учраб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур қонун бугунги тезкор техника замонида нақадар аҳамиятли эканини таъкидлаш жоиз. Янги таҳрирдаги қонун 36 моддадан иборат бўлиб, ҳар бир моддаси жиддий ўрганишлар ва таҳлиллар асосида қабул қилинди. Айрим иш берувчилар бу қонун моҳиятини англаб етмай, унга панжа ортидан қарайди. Бундай иш жойларида касаба уюшмалари, ходимлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олиши, меҳнат муҳофазаси қоидалари асосида иш юритмоғи даркор.

Давра суҳбатида янги таҳрирдаги қонунларнинг моҳияти тўлиқлигича тушунтирилиб, унинг сўнгида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

# Журналистикага жанр керак(ми?)

**МУНОЗАРА**

Ахборот узатиш воситаларининг кўпайиши ва ривожланиши журналистик асарнинг контенти (шакл ва мазмуни)га ҳам таъсир этмасдан қолмади. Эндиликда асосий эътибор воқелик ҳақидаги ахборотга эмас, кўпроқ воқеликнинг ўзига қаратилмоқда. Бу айниқса, электрон ОАВда яққол кўзга ташланади. Натижада журналистика назариясида жанр тушунчасига бўлган муносабат ўзгариб, ахборот узатишнинг турли шакллари ривожланиши бора-бора жанр тушунчасига бўлган эҳтиёжни йўқотади, деган қараш пайдо бўлди. Айниқса, жаҳон журналистикаси илмида (Ғарб назариячилари кўпроқ урғу беришади) журналистиканинг асосий вазифаси фақат ахборот етказишдан иборат, "жанр" тушунчаси вазиятни чигаллаштиради ва уни ўзгартириб юборади, шунинг учун у бош қотиришга арзимайдиган масала, деган қарашлар ҳам устуворлик қилмоқда.



"Ҳуррият" газетасининг 2007 йил 21-март сонида журналист Иброҳим Норматов "Журналистикада маҳорат керакми ёхуд унутилаётган жанрлар хусусида" сарлавҳали мақоласида матбуотда жанр тушунчасининг йўқолаётганлиги, журналларда, айниқса, газеталарда жанрларнинг қашшоқлашиши оқибатида бир хиллик юзага келаётганлиги ҳақида сўз юритган эди. Шунингдек, муаллиф энг таъсирчан ва ҳозиржавоб жанр репортаж, очерк, фельетонлар камайиб кетаётганлигини, ҳаттоки, айримлар памфлет нималигини билмаслигини, қолаверса, нашрларнинг кўплиги ҳам савия жиҳатдан газеталар мазмунини нўноқлашишига — бир хил қолипга тушиб қолаётганига сабаб бўлишини таъкидлаган.

Жанр тушунчаси барча даврларда ҳам одамларнинг ахборотга қизиқишлари, уни қабул қилишга бўлган эҳтиёж, муносабатларига қараб юзага келди ва ривожланди. У журналистика пайдо бўлгандан бери ўз даврига қараб ривожланадиган, ижтимоий жараёнлар таъсирида ўзгариб борадиган тарихий категориядир. Буни Санкт-Петербург университети профессори Г.Корконосенко шундай изоҳлайди: "Ишбилармонларнинг ўзаро муносабатлари газета саҳифаларида "ҳисобот" жанрини пайдо қилди. Сир тутишга бўлган эҳтиёж туфайли хат жанри юзага келди. 1800 йилда "Журналь де Деби" деб номланган француз газетаси инқилобдан кейин одамларни ўзига кўпроқ жалб этиш ва демократик матбуотнинг кўриниши сифатида таассурот уйғотиш учун фельетонни ўйлаб топди. Шу тариқа барча жанрлар тарихан оддийликдан мураккабликка, оддий хабардан тортиб таҳлилий мақолагача ривожлана борди."

Таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай журналистик асарни яратиш тегишли маълумотларни йиғишдан бошланади. Маълумот олишнинг кенг тарқалган усулларидан бири эса мулоқотдир. Гарчанд мулоқот коммуникация тури сифатида ахборот алмашишнинг энг қадимий усули бўлса-да, у билан шаклан бир хил бўлган интервью жанри бошқа жанрларга нисбатан анча кеч пайдо бўлган. Бу ҳақда тадқиқотчи Л.Шибаева шундай ёзади: "Ваҳоланки, журналистикада пайдо бўлган жанрларнинг ичида интервью энг биринчилардан бўлиши керак эди. Ахир савол бериш ҳар бир инсонга болалигидан одат. Қолаверса, дунё адабиётида, антик файласуфлардан тортиб драматургларгача жуда катта диалоглар захирасини қолдирган. Шунга қарамай, бу жанр XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаби, талаби ва мезони бор".

Шу пайтгача журналистиканинг ривожланиши жараёнида рус тадқиқотчилари жанрнинг ўрни, композицион тузилиши, типологик, гнесеологик, морфологик, аксиологик категориялари мавжудлигини аниқлаб, жанрларни шулар асосида таснифлаганлар. Аммо бугунга келиб, соҳанинг ривожланиши бу таснифларнинг эскирганлигини кўрсатмоқда. Эндиликда замонавий журналистика назариясида "янгиликлар журналистикаси", "муаллифлик журналистикаси", "таҳлилий журналистика", "шарҳлаш журналистикаси", "репортёрлик журналистикаси", "янги журналистика" "фуқаролик журналистикаси", "гонзо журналистика", "сифатли журналистика" каби бошқа таснифлар ҳам пайдо бўлди. Бунга жавобан профессор Г.Коркосенко шундай ёзади: "ушбу таснифлар қандай шаклда таклиф этилмасин, публицистик матн учта муҳим компонентни: а) янгилик ёки мавжуд муаммо ҳақида хабар бериш; б) вазият ёки шарт-шароитни таҳлил қилиш орқали тушунтириш, фикрлашга ундаш; в) аудиторияга эмоционал таъсир этиш усулларини ўз ичига олади".

Ўзбек журналистикасида жанрлар қандай таснифланади? Умуман, уларнинг ўрни ва аҳамияти қандай? Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгунга қадар совет журналистикаси назарияси ва амалиёти таъсири остида бўлгани учун шўро матбуотида қандай жанрлар қўлланилган бўлса, ўзбек матбуотига уларни шу ҳолича олиш кўзга ташланади. Аммо мамлакат мустақил бўлгандан кейин журналистика назарияси ва амалиётида ҳам ўзгаришлар юз берди. Натижада публицистика жанрлари гуруҳларини белгилашда жаҳон журналистикаси тажрибаларидан келиб чиқиб ёндашиш қарор топди. Шу аснода ўзбек миллий журналистикаси хусусиятларини эътиборга олган ҳолда илк марта публицистика жанрлари гуруҳларини белгилашда нисбатан янгича йўл тутилди. Журналистика турларини таснифлаш этишда янгиликлар журналистикаси, таҳлилий журналистика, шарҳлаш журналистикаси, бадиий-публицистик маҳорат, журналист суриштируви, деган атамалар юзага келди. Илгари хорижий матбуотда кенг қўлланилган эссе жанри ҳам Ўзбекистон журналистикасидан жой олди. Энди жаҳон журналистикаси назарияси ва амалиёти тажрибаларидан ҳам фойдаланила бошланди. Пировардида Ўзбекистонда миллий ва халқаро журналистика назарияси ва амалиётига хос илмий қарашлар юзага келди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети ўқув режасида журналистнинг ижод маҳорати билан боғлиқ билимлар учта фан — янгиликлар журналистикаси, таҳлилий журналистика ҳамда публицистика таркибида ўргатиладиган бўлди. Энди ушбу фанлар таркибида қандай жанрлар ўрганилишига эътибор қаратамиз.

Янгиликлар журналистикаси таркибига ахборот, хабар, янгилик, ҳисобот, интервью, репортаж сингари жанрлар киради. Бу жанрлар асосан, жамиятда содир бўлган ва бўлиши тахмин этилган ҳаётий воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар ҳақида хабар беришга қаратилади. Уларнинг специфик имконияти воқеликни акс эттириш ва зарур ҳолларда мавжуд фактларни қисмларга ажратиб етказиш билан белгиланади. Агар ахборот ёки янгилик жанри орқали воқеа содир бўлганлиги ҳақида хабар берилса, репортажда воқеани содир бўлиш жараёни ўша жойнинг ўзида журналист иштирокида ёритилади. Интервью содир бўлган воқеа кимнингдир қараши ёки фикри орқали ифода этилади.

Аммо баъзан воқеанинг қачон, қаерда, ким томонидан содир этилгани ҳақидаги хабарнинг ўзи ўқувчига, томошабин ёки тингловчига камлик қилади. У воқеани келтириб чиқарган сабаблар ва унинг оқибатлари ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайди. Бу табиийки, таҳлилий жанрларга эҳтиёжни пайдо қилади.

Таҳлилий журналистика ахборот етказиш билан уни таҳлил орқали жамоатчиликка тушунтиришни мақсад қилади. Масалан, корреспонденциянинг асосий ахборий вазифаси "тушунтириш" бўлиб, ўтган воқеликни атрофлича ёритиш устуворлик қилади. Унинг вазифаси "нимага?", "нима сабабдан?" деган саволларга жавоб беришдир. Мақола воқеликнинг бирор бир жиҳатини, қисмини, у билан боғлиқ муаммо, масаланинг ечимини очиб беришга қаратилиб, "нима қилиш керак?" деган саволга жавоб беришни кўзда тутади. Тақриз айнан воқеликнинг ўзини эмас, балки воқелик жараёнида мавжуд объектни таҳлил қилиш орқали унга баҳо беради. Журналист суриштируви эса муайян воқелик юзасидан ҳақиқат сир тутган ҳолатларда адолатни қарор топтириш учун олиб борилади. Шарҳ жанрида муайян воқеа, вазият, жараён юзасидан олиб борилган таҳлилнинг ҳаётий реалликларга қанчалик мос келиши, мантиқий қарашларнинг асослилиги кўрсатиб берилади. Мазкур жанрларни бирлаштирувчи асос эса бу — таҳлил ва тадқиқотнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Публицистика жанрларига очерк, эссе, фельетон, памфлет, хат, кичик ҳажвий жанрлар кириб, унда ижтимоий ҳаётни образ ва образлилик, характерлар яратиш, типиклаштириш, шунингдек, фабула, композицион қурилиш, конфликт ва ечим сингари унсурларидан фойдаланган ҳолда журналистик асар ёзиш мақсад қилинади. Бу жанрлар орқали ахборот истеъмолчиларига эмоционал таъсир кўрсатиш кўзда тутилади. Бундан кўзланган мақсад публицистиканинг мазкур жанрларида жамоатчиликка етказмоқчи бўлган фикр шунчаки ахборот тарзида берилмасдан, кишиларнинг туйғулари, ҳисларига таъсир кўрсатиш орқали унинг самарадорлигини оширишдир.

Жанр тушунчаси доимо ўзгариб ва ривожланиб борганлиги боис унинг тугал назарияси ишлаб чиқилгани йўқ. Айниқса, интернетнинг ОАВ сифатида тан олиниши, бу масалани бирмунча чигаллаштирди. Боиси, интернетдаги фойдаланувчилар фақат ахборот истеъмолчилари эмас, балки ахборот манбалари, ахборотни етказувчилар ҳам ҳисобланади. Шунинг учун бутунжаҳон "ўргимчак тўри"да жанрнинг аҳамияти бирмунча пасаяди. Аммо бу бутунлай йўқолди, дегани эмас. Ижтимоий тармоқларда, расмий сайтларда ҳам журналистиканинг бошқа турларида учрайдиган жанрлар мавжуд. Фақат уларда ахборий жанрлар етакчилик қилади. Шарҳ, интервью ва мақолалар кейинги ўринларни эгаллайди. Бундан ташқари, интернет ОАВда жанрлар интеграцияси, яъни ўзаро таъсири, аралашувини кўпроқ кузатиш мумкин.

Шундай қилиб журналистикада жанрнинг ўрни муҳим ва уни соҳа мутахассислари томонидан ўрганишга эҳтиёж мавжуд. Бу нималарда кўринади? Биринчидан, ҳар бир асарнинг аниқ тавсифи, таркибий қисмлари бор. У гоҳида нисбатан эркин тарзда гоҳида муаллифнинг махсус ижодий интилиши туфайли пайдо бўлади. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам ўхшаш хусусиятларга эга бўлган матнлар алоҳида гуруҳларни ўзида бирлаштиради. Иккинчидан, жанр ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш журналистларнинг касбий муомаласига, ўзаро бир-бирларини тушунишга ҳам ёрдам беради. Масалан, муҳаррирнинг «Тиббиёт ҳақида яхши материал ёзинг» дейиши билан «Юрак хасталиги бўйича жарроҳликда янгилик қилган шифокор ҳақида очерк ёзинг» деган топшириғи бизнингча, журналист айнан қандай материал тайёрлашини аниқ кўрсатиб беради. Учинчидан, ОАВда фаолият олиб борадиган мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам журналистика таълимига эга эмас. Матн билан ишлаганда, унинг шакл-шамойили ҳақидаги билимларга эга бўлиш соҳани яхши тушунишга, журналист сифатида вақтдан, эга бўлган маълумотидан тўғри ва мақсадли фойдаланишга ёрдам беради.

Жаҳон журналистикасида жанр хусусида ҳозир ҳам янги-янги фикрлар, йўналишлар, атамалар пайдо бўлмоқда. Айниқса, интернет журналистикада пайдо бўлган инфографика, сленинглар, маълумотлар журналистикаси (date journalizm) ана шулар жумласидандир. Янгиликлар, унинг атрофидаги баҳс-мунозараларнинг бўлиши табиий жараёндир. Чунки янги фикрлар назарияларнинг қотиб қолмаганини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан журналистиканинг давр билан, технологиялар билан баравар тенгма-тенг ривожланиши баробарида жанрга бўлган муносабат, унинг тадрижи, ўзгаришлари, ўзаро таъсири масалаларига ҳам эътиборсизлик қилиб бўлмайди.

**Назира ТОШПЎЛАТОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди**

# Инсон қадри

Йиллар ўтиб бораверади. Фаслларга қиёсланадиган умр ўз ташвиш ва хурсандчилиги билан кишини яшашга ундайди. Инсон улғаяди, вояга етади. Вақти келиб оила қуради. Ота-она бўлади.

Болалигимни эсласам, бобом айтган бир воқеа мени доим ўйлантиради.

"Ота-онам қўлимдан етаклаб бозорга, қариндош-уруғларникига ва байрамларга олиб боришарди. Бола кўнгли пошшо деганларидек, нима хоҳласам ўша нарсани муҳайё қиларди. Ота бўлганимизда болаларимизга кўпроқ меҳр бериб, ота-онамиз борлигини бироз унутиб қўйгандай бўламиз.

Ёз фаслининг жазирама кунларида онам оламдан ўтиб қолди. Бу кулфатдан отам ўзини йўқотиб қўйди. Ёши етмишдан ошган отам, инжиқ бўлиб қолганди. Мен ўйлардим. Қариганимизда шунақа бўлиб қоларканмизми? Ёки дард одамни шундай аҳволга солиб қўядими?

Одатда ҳар дам олиш кунларида отам билан суҳбатлашишни одат қилгандим Бугун ҳам отам билан уйимизни орқа томонидаги боғ сайрига чиқдик. У ерда ҳар хил гуллар, дарахтлар бор эди. Ёз фасли. Қушлар учиб юрибди. Боғ ичида ўриндиқ бор. У ерда отам билан анча суҳбатлашдим. Бир пайт отам:

— Болам ана у нима? — деди.

Дарахтларнинг биридаги қушга қараб, мен:

— Чумчуқ, — дедим.

Бир пайт отам яна сўради.

— Чумчуқ. Ҳозир айтдим-ку, тезда ёдингиздан чиқдими?! — овозим дағалдек чиқди, шекилли, отам жимиб қолди. Учинчи бор сўраганларида, жавобимдан отам бутунлай ранжиди. Отам ўрнидан туриб, уй томон кетди. Мен қаёққа кетаяпсиз, деб ўрнимдан турдим. Ортидан "ота мени кечиринг, билмасдан хафа қилиб қўйдим" деб зорланиб қолдим.

Оралан кўп вақт ўтмай отам яна қайтиб келди. Бу сафар қўлида қандайдир қоғоз бор эди. "Ўғлим, мана бу хатни ўқиб бер. Қаричилик қурсин. Инсон қариганда кўзларининг нури ҳам қолмас экан" деб, ҳалиги қоғозни узатди.

Мен хатни ўқий бошладим. Унда шундай ёзилганди: "Мен тўрт яшар ўғлимни хиёбонга олиб чиқдим. У ерда ҳар хил қизиқарли ўйинларни томоша қилдик. Кейин сайлгоҳда бир ҳовуз ёнига келиб ўтирдик. Ўғлимнинг юзида беғубор табассум аримасди. Шу пайтда ўғлим: "Дада, анави ердаги нарса нима?" дея сўради. Чумчуқ болам, дея жавоб бердим. У қизиққонлиги сабабли қайта-қайта сўрарди. Менинг эса ҳеч ҳам жаҳлим чиқмасди. Аксинча, ҳар савол берганда мен уни бағримга босиб қучоқлардим". Бу сўзларни ўқидиму кўзим ёшга тўлди.

Дада мени кечиринг. Обрў ва пул кўзимни кўр қилиб қўйибди. Отам жавоб берди: Ўғлим, ота ҳеч қачон ўз фарзандидан хафа бўлмайди, у учун ҳатто жонини беради, — деди-да, мени бағрига босди".

Инсон ўз хатоларини қачон англаб етади? Қачонки яқин кишисининг кўнглига озор бериб, дилини ранжитса. Ота-онасининг қадрига етмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Кун келиб улардан ажралиб қолганда кеч бўлади. Назаримда ҳар ким ўз яқинларининг қадрига вақтида етиб, уларнинг ҳурматини жойига қўймоғи лозим.

**Рустамбек ЖЎРАЕВ**
**ЎзМУ талабаси**

# Қалдирғоч ини



*Ёш қаламкашларнинг ушбу рукнда эълон қилинган материаллари бошқа тенгдошларининг ҳам юрагига чўғ ташлади. Айни пайтда таҳририятимизга шундай ёшлар кўплаб мақолаларни йўлламоқда. Фикрни тўғри баён этиш, воқеаларни тасвирлаш, мантиқий ёндашув сирларини ўрганаётган талабалар мавзуга ўзига хос ёндашаётганлари таҳсинга лойиқ.*

*Уларга янги ижодий парвозлар тилаб, талабаларнинг навбатдаги мақолаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Улар турли мавзуларда. Аммо, қалбга яқин.*

**ТАҲРИРИЯТ**

# Бир ибора тарихи

Авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётга асос бўлган. Адабиёт, аввало, инсоннинг дидини ўстириб, дунёқарашини кенгайтиради. Ҳаётда оқни қорадан ажратишга кўмаклашиб, эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат ҳиссини уйғотади. Адабиёт инсон қалбини ватанпарварлик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатлар асосида тарбиялайди.

Ўзбек адабиётининг теран илдизлари халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Бадиий адабиётнинг энг қадимги шаклларидан бўлган фольклор йиллар мобайнида турли инсонлар (айтимчилар) томонидан сайқалланиб, такомиллашиб, мукаммал шаклга эга бўлган.

Халқ оғзаки ижоди лирик, эпик, драматик ва шартли равишда махсус турларга ажратилади. Кишиларга яхши таниш бўлган мақол, матал ва топишмоқлар махсус турга киради. Иборалар ҳам мақол ва маталлардек доно халқимизнинг ибратомуз гаплари, ҳаётий тажрибаси асосида юзага келади.

Кундалик ҳаётимизда улардан кўп фойдаланамиз. Баъзида омма орасида уларни ўзгартириб ишлатилаётганини эшитганимда ҳайрон қоламан.

Эътиборимни тортган ибoралардан бири "Элдан қолган туя"дир. Аслида, бу ибора "Йилдан қолган туя"дир. Бу иборанинг пайдо бўлиши йил мучаллари билан боғлиқ.

Ривоятларда айтилишича, ўрмон шоҳи шер йил мучалларига ном бериш танловини эълон қилибди. Шундан сўнг етти иқлимдан жонзотлар тўпланибди. Энг аввало, тўнғиз етиб келиб, ўз номини биринчи йил мучалига беришга муяссар бўлибди. Унинг ортидан ҳарсиллаганча ит етиб келибди. Учинчи йил мучалига паррандалардан вакил бўлиб товуқ ва бошқа йил мучаллари ҳам аниқлана бошлабди. Бирин-кетин маймун, қўй, от, судралиб юрувчилардан илон, сувда сузувчилардан балиқ, шунингдек, бўрининг чангалидан аранг қутулиб келган қуён, салобатли йўлбарс келибди. Ва ниҳоят, сигир ортидан туя ҳам ўн иккинчисига эга бўларман деган хаёлда секин-секин келаверибди. Аммо бир донагина қолган йил мучалига туядан олдин келган сичқон чаққонлик билан эга бўлибди. Шундан бери халқимиз орасида "Йилдан қолган туя" ибораси ишлатиб келинган. Уни доим кечикиб юрадиган кишиларга нисбатан ишлатилади.

Мухтасар айтганда, буюк меросимиз саналган халқ оғзаки ижоди ва адабиётимизнинг нодир намуналари саналган мақол, матал ва ибораларни янада кўпроқ ва тўлиқ ишлатган ҳолда унинг ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор.

**Моҳира АСҚАРАЛИЕВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# Ердаги фариштам

"Ҳуррият" газетаси мен севиб ўқийдиган нашрлардан бири. Унинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқийман. Газетанинг 2016 йил 47-сонида Пардабой Эргашевнинг "Ҳаётимиз файзи — кексалар" номли мақоласини ўқиб, мен учун мукаррам бўлган бувижоним ҳақида ёзгим келди.

Ҳар бир инсон дунёга келар экан, унга ҳаёт ўз ризқи-насибаси ва умрини қўшиб беради. Туғиламиз, улғаямиз, қариймиз. Нуроний бобо-бувиларимизни кузатсам, уларнинг истарали юзларидан нур ёғилиб туради. Меҳнатдан қадоқ босган қўллари эса доим дуода.

Мен истиқомат қилаётган Наманган вилоятининг ҳунармандчиликда тенги йўқ Чуст шаҳрида кўпни кўрган, тўқсон билан тўқнашган дилкаш бувижоним набиралари, эвараларига ҳаёт сабоқларини ўргатишдан чарчамайдилар. Барча ёшу қари доимо уларнинг дуоларини олишга, маслаҳат сўрашга ошиқади. Шаҳримиз одамлари бувимни Турдиби ая дея чақиришади.

"Қари билганни — пари билмас", — дейди доно халқимиз. Набираларини атрофига чорлаб, ўз ҳаётидан ҳикоялар айтиб берарди. Бувимнинг ёшлигида кўрган қийинчиликларини эшитиб, биз ҳайратга тушардик.

13-14 ёшли қизалоқ бўлишларига қарамай, Катта Фарғона каналининг қазилишида иштирок этганликларини кўзда ёш билан гапириб берадилар. Тинчлигимиз, мусаффо осмонимизга шукроналар айтиб, шу азиз Ватанда ўғил-қизлари, невара ва эвараларини кўриб юрганлигига ҳаётдан миннатдор бўлади.

Бувим билан суҳбат жараёнида ўзим учун кўплаб қизиқарли маълумотларни билиб оламан. Улар мақол, топишмоқ, ҳикматли сўзлар айтишни жуда яхши кўради. Жумладан: "Невара нени қилар, ғалвирда сув келтирар", "Олқиш олган омондир, қарғиш олган ёмондир", "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир", "Кишининг ҳурмати ўз қўлида", "Нимани қилсанг хор, шунга бўласан зор", "Тиришган тоғдан ошар", "Азоб кўрмай роҳат йўқ" кабилар.

Хонадон фариштаси кексаларимизнинг дуосини олиш ҳар бир ўғил-қизнинг бахти саналади, назаримда. Бувимнинг дуоларида қандайдир сеҳрли куч бор деб ўйлайман. Улар меҳнатдан қадоқ бўлган қўлларини дуога очиб: "Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, бўлсин. Бошлаган ишларинг бароридан келиб, ўқишларингни омадини берсин" дея юзларига фотиҳа тортади.

Фикрим сўнгида шуларни хулоса қиламанки, ҳалол меҳнат қилиш, тўғрисўз бўлиш, ҳаммага яхшилик қилишни ҳаётимиз мазмунига айлантирсак, нуроний отахону, парисифат онахонларимизни асраб-авайласак, дуоларини олсак, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Шунинг баробарида кексаларимиз аҳволларидан, иссиқ-совуқларидан хабар олайлик. Зеро, биз ҳам кун келиб, кучдан қолишимиз, қаришимиз бор.

**Нилуфар ҲОМИДОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# Дўстим — осмондаги юлдузим

Кеч кириши билан осмонда ҳисобсиз юлдузлар пайдо бўлади. Уларни кузата туриб, ҳар бири бизга нималарнидир айтмоқчи бўлаётганини ҳис этасан, киши. Худди бизга яқин инсон — дўстимиз каби одамлар билан суҳбатлашмоқчидай бўлади. Лекин ҳаётда ҳар доим ҳам ўз юлдузимиз, вафодор дўстимизни топишга қийналгандек бўламиз.

Фарзона мактабнинг еттинчи синфида ўқийди. У ёш бўлса-да, ҳаётнинг баланд-пастликларини тенгдошларига нисбатан анча эрта англаб етган. Сабаби — оиладаги муносабатлар. Бу унинг руҳиятига таъсир этмасдан қолмайди. Баҳорда куртаклаб, ўзининг чиройи билан кўзни қувонтирувчи япроқлар куз келгач ўз гўзаллигию беғуборлигидан қандай воз кечса, Фарзона ҳам худди япроқ сингари тўкилиб борар эди. Нега? Бу савол бошқаларни ҳам қизиқтирарди.

Хулқи ёмон ва бебош бола Равшангина ундаги ўзгаришларга бепарво қарай олмади. У Фарзонанинг дарсларига кўмаклашар, кўнглини кўтариш мақсадида кичик совғалар берарди. Ўзининг кулгили ҳаракатлари билан қизни хурсанд этарди.

Вақт ўтиб Равшан ва Фарзона шунчалик яқин дўстга айландиларки, бундан бошқалар ҳавас қиларди. Мактабни ҳам тугатдилар. Коллеж ўқувчиси бўлдилар. Ёшликнинг ҳам ширин, ҳам аччиқ онлари ортда қолиб, энди катта ҳаёт сари қалам қўядиган вақтлар етиб келганди. Фарзонанинг ҳаёт йўлида ўз маслаҳатлари билан кўмак берувчи инсони Равшан эди. Бу йўлда уларнинг дўстлик ришталарини айирмоқчи бўлганлар ҳам анчагина топилди. Коллежни тугатар чоғи яқинлари Фарзонанинг университетга ўқишга киришига қаршилик кўрсатдилар. Қуёш заминни иссиқ нурлари билан ёритгани каби, унинг қалбига яна дўсти Равшан нур олиб кирди. Унга ўқиши учун дўстона ёрдамини аямаслигини тушунтирди.

Фарзона баҳор гулларидай яшнаб кетди. Ҳаётга иштиёқи ошди. Ҳавас қилса арзигулик дўсти бор. Дугоналар оғир пайтларда далда бўлолмаган Фарзонага Равшан ёрдам берарди. Фарзона эса ўзини ундан қарздордек ҳис қилиб, бу қарзни қандай узишга жавоб тополмасди.

Дўстлик шундай риштаки, инсонларни бир-бирига яқинлаштиради. Оқибатдан сабоқ беради. Унга баҳо бойликка эмас, инсоний фазилатларга қараб берилади.

Хулоса қилганда, инсоний фазилатлардан узоқ бўлмаган дўстлар ҳаётимизга маъно ва мазмун бағишласин. Оқибатли дўстлар кўпаяверсин. Шундагина садоқат деган тушунча бизни тарк этмайди.

**Фазилат ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# “ОҚ УЙ”НИНГ қирқ бешинчи соҳиби

**ШАРҲ**

Америка Қўшма Штатларининг қирқ бешинчи Президенти этиб сайланган миллиардер Дональд Трамп Оқ уйда ўз фаолиятини бошлади. Шу муносабат билан ўтказилган инаугурация маросимида янги раҳбар ўзига хос нутқ сўзлади.



Трампнинг инаугурация нутқи АҚШ сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. АҚШ тарихидаги дастлабки инаугурация тадбирларида ушбу нутқ асосан мазкур тадбирда иштирок этаётган расмий кишиларга мўлжалланиб тайёрланган бўлса, кейинчалик Оқ уй янги раҳбарнинг Америка халқига, шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятига сиёсий мурожаати сифатида қабул қилинадиган бўлди. Чунки унда Президентлик сайловида ғолиб чиққан номзоднинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа муҳим йўналишлардаги қарашлари, тўрт йил ичида амалга оширишни кўзлаётган режалари, АҚШнинг жаҳоннинг етакчи давлатлари, нуфузли халқаро тузилмалар, ҳарбий-стратегик шериклар билан бўладиган муносабати, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида кўзда тутиладиган ўзгаришлар ўз аксини топади. Шу боис сайловчилар, айниқса, оммавий ахборот воситалари янги Президент томонидан айтиладиган муҳим ибора ва шиорларга жиддий эътибор берадилар.

Мамлакатда ҳар тўрт йилда ўтказиладиган ушбу маросим билан боғлиқ кўп қизиқарли маълумотлар мавжуд. Чунончи, Жорж Вашингтоннинг инаугурация нутқи бор-йўғи 135 та сўздан иборат бўлган, у ўзининг мақсадини жуда қисқа, аммо аниқ ифода эта олган. 1841 йилги сайловда ғолиб бўлган Уильям Харрисон эса очиқ майдонда, изғирин совуқда 8445 сўздан иборат салкам икки соат бетўхтов гапиради ва оғир шамоллаш натижасида орадан бир ой ўтгач вафот этади.

АҚШ Президентлигига икки марта сайланган Билл Клинтоннинг 1993 йилги инаугурация нутқида ўша пайтда кўплар деярли эътибор бермаган бир жиҳат бор. Гап шундаки, қуролланиш пойгасида АҚШ билан муттасил рақобатлашган собиқ иттифоқнинг тарқаб кетиши океан орти сиёсатдонларининг илҳомини жўштириб юборади. Бир-бирига қарама-қарши турган икки “дев”нинг бири қулаши натижасида дунёда янги ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳарбий-стратегик вазият юзага келади. Бундан самарали даражада фойдаланиб қолиш керак, деган фикр кўпларнинг хаёлини банд этди. 32 ёшида Американинг қирқ иккинчи Президентлигига сайланган ёш Клинтон ўз нутқида Парвардигорнинг ўзи марҳамат қилиб, улуғ Америкага бундан буён дунёга яккаҳоким, яккаҳукмрон бўлиш имконини берганини ва бу мавқени асло сусайтирмаслик лозимлигини таъкидлади. Ота-бола Буш даврида мамлакат ҳудудларидан ташқарида амалга оширилган ҳарбий операциялар, Барак Обама пайтида Ироқ ва Ливиянинг аёвсиз вайрон қилиниши ва бошқа кўплаб қонли можаролар, бу “мавқе” инаугурация нутқи матнидагина қолиб кетмаганидан, аксинча, мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганидан далолат беради.

Дональд Трамп сайловдан кейин Нью-Норкда сўзлаган биринчи нутқида АҚШ Президенти сифатидаги фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ваъда берди: Россия билан муносабатларни яхшилаш; терроризмга қарши курашиш; мамлакатни ноқонуний қочоқлардан ҳимоя қилиш; марихуана сотишни легаллаштириш; ўлим жазосини бекор қилмаслик, америкаликларнинг қурол сотиб олиш ҳуқуқини сақлаб қолиш; коррупцияга қарши кураш бошлаш; матбуотнинг ҳукмронлик мавқеини пасайтириш; солиқларни камайтириш; соғлиқни сақлаш бўйича Президент Обама жорий этган тиббий дастурни биринчи навбатда бекор қилиш; камбағалларнинг болалари нуфузли мактабларга кириб ўқишлари учун шароит яратиш ва бошқалар.

Бугунги мураккаб, тушунарсиз дунёда ҳеч бир давлат, мамлакат, ҳарбий ёки иқтисодий имкониятидан қатъи назар, ўз ҳолича, ўз билганича яшай олмайди. Инсоният олдида турган ва кун сайин кучайиб бораётган муаммоларни фақат биргаликда, ақл-идрок, яхши қўшничилик нияти билан босқичма-босқич ҳал қилиш мумкин.

Терроризм ва диний экстремизмга қарши курашни олайлик. Бу борада кутилган натижага эришиш учун томонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, мақсад-муддаонинг муштараклиги, аниқ мақсадли тадбирлар зарур бўлади. Бу курашга ҳар ким ўзининг шахсий манфаати нуқтаи назаридан ёндашса, сўз ва амал бирлиги таъминланмаса, вазият янада чигаллашади. Буни бугун Сурия ва Ироқ мисолида яққол кўриб турибмиз. Қочоқлар муаммоси тинч ва тотув Европа ҳаловатини бузаётгани, минтақа учун янги ижтимоий-сиёсий чигалликлар юзага келаётгани сир эмас. Аммо уруш ҳаракатлари боис уй-жойидан, мол-мулкидан ажраган, болалари кўз ўнгида нобуд бўлган ота-онани, қонли талотўпда меҳрибонларидан ажраган гўдакни ким тушунади? Жон сақлаш учун Европага бориб қолган ўн мингга яқин оч-наҳор болакайнинг қаердалигини, бу ерда уларни қандай тақдир кутиб олганини ким билади, тириклиги ёки бошқа бир ҳолати тўғрисида қаердан маълумот олиш мумкин? Денгизга чўкканлар учун ким қайғуради?

Ҳеч ким ўз хоҳиши билан қочоққа айланмайди, уйсиз-жойсиз бегона мамлакат кўчаларида саргардон юрмайди, чиқинди титмайди. Шундай экан, бу муаммони ғарб давлатлари ўз ҳудудларини сим девор билан ўраш, қочоқлар йўлига тўсиқ қўйиш эмас, мантиқсиз урушларни, замонавий босқинчилик, зўравонлик ҳаракатларини бас қилиш, ўзга минтақаларни сиёсий таъсир доирасига олиш ниятидан бутунлай воз кечиш, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига маъқул йўлдан юриш ҳуқуқини расман тан олиш йўли билангина ҳал қилиш мумкин.

Қисқаси, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Улардан бири америкаликларнинг қурол сотиб олиш ва қурол олиб юриш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ АҚШда демократия ва америкача ноёб эркинликнинг конституциявий ифодаси сифатида катта мавқега эга. Аммо кейинги йилларда бу ҳуқуқ қандай аянчли фожеаларга сабаб бўлгани, қонли отишмалар тўхтамаётгани, қурол қуроллигини қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу муаммони ҳал қилиш борасидаги таклифлар, масалан, аҳолига қурол сотишда маълум тартиб-қоидаларга риоя қилиш, айрим чеклашларни жорий қилиш хусусидаги уринишлар натижа бераётгани йўқ. Қуролбозлар эса аҳолига қурол сотишдан келадиган мўмай даромадлари пасайиб кетишидан хавотирланиб, “Жиноятчилар мактабларга бостириб кириб, ўқувчи ва ўқитувчиларни ўққа тутаётган экан, демак, мактабларни ҳам қурол билан таъминлаш зарур”, деган фикрни айтмоқдаларки, бу ғайриахлоқий, ғайриинсоний таклиф олдида лол қолмасликнинг иложи йўқ.

Инсониятнинг бугунги муаммолари фақат шулар эмас. Таассуфки, дунё пул ҳукмронлиги, бойлик таъсири шароитида яшашга ўрганиб бораётгандай. Инсон бойликни эмас, бойлик инсонни бошқаришга ўтаётгандай. Йирик саноат корхоналари, масалан, пўлат қуйиш заводлари мутасаддилари бутун умри оловли цехларда ўтаётган тажрибали ишчиларни иш ҳақи олмайдиган, касал бўлмайдиган, нима буюрилса, шуни аниқ ва сўзсиз бажарадиган роботларга алмаштириш режаларини тузмоқдалар. Энг иқтидорли, истеъдоди инсон ҳаётини тубдан яхшилашга қодир дунё олимларининг ҳар тўртинчиси ҳарбий-саноат комплексида хизмат қилаётир. Экологик вазият, озиқ-овқат танқислиги, вирусли касалликларнинг тарқалиши, тоза ичимлик суви муаммоси эса йилдан-йилга чигаллашиб бормоқда, табиий иқлим ёмон томонга ўзгараётир. Миллион йиллик музлар эришда давом этмоқда. Олимлар кейинги қирқ йил ичида дунёда қушлар, балиқлар ва амфибияларнинг сони 60 фоизга қисқариб кетганини, бу жараён кейинги олти-саккиз йил ичида янада тезлашганини таъкидламоқдалар. Аҳвол шу даражага етиб бордики, бу она замин биздан кейинги авлодлар учун ҳам бешик бўлишини, ер, сув ва ҳаво, тинч-тотув ҳаёт уларнинг ҳам ризқи эканини унутиб қўяётгандаймиз.

Янги Президент ўзининг инаугурация нутқини қоғозга умуман қарамай сўзлади. Америкаликларга ва бутун жаҳон халқига мурожаат билан бошланган бу нутқ ҳозирнинг ўзидаёқ кўпчиликни жиддий қизиқтирмоқда. Трампнинг “Бойлар фақат бойларнинг манфаатини ўйлайдиган замонлар ўтди, бугундан эътиборан ҳокимият — халқ қўлида, “Биз ҳеч кимга ўз қарашларимизни тиқиштирмаймиз, бошқа халқларнинг манфаатларини ҳурмат қиламиз. Ирқимиз, динимиз бошқа-бошқа, аммо томирларимизда ранги бир хил қизил қон оқади”, “Бундан буён бошқа давлатларнинг чегараларини эмас, ўзимизнинг чегараларимизни мустаҳкамлаймиз, янги иш ўринлари яратамиз. Ҳавойи гапларни тўхтатиб, америкаликлар учун қулай бўлган янги йўллар, кўприклар қурамиз. Американи қайта оёққа қўямиз, унинг буюк орзуларини рўёбга чиқарамиз. Америка ғалаба шоҳсупаларига яна қайтади. Бизни Худонинг ўзи қўллайди” деган сўзлари янграётганида ушбу маросимда иштирок этаётган Барак Обама ва кичик Бушнинг хаёлидан нималар ўтаётганини тасаввур қилиш мумкин. Бу ниятлар АҚШнинг яқин тўрт йил ичидаги ташқи ва ички сиёсатига қанчалар мос келишини эса вақт кўрсатади. Нима бўлганда ҳам, мамлакат Президентлигига ўтказилган сўнгги сайлов ўзининг ажабтовурлиги, ғайриоддийлиги билан АҚШ тарихида ноёб саҳифа бўлиб қолиши аниқ.

Йиллар чархи тинимсиз айланади, давлат бошқарувига келган ҳар бир раҳбар ўз даврига, худди Барак Обама хайрлашув нутқида баён қилгани каби, юксак баҳо беради. Кўнгилнинг кўчаси кенг экан-да, ҳолбуки, дунё бундан роса саккиз йил аввал қандай эди, Яқин Шарқ мамлакатларида ҳаёт қандай давом этарди, қочоқлар сони бугунгидек сон-саноқсиз, адоқсиз эдими, йирик мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва мулоқот кўприклари бугунгидек, чок-чокидан сўкилиб кетганмиди, террорчилик, қўпорувчилик ҳаракатлари дунёнинг катта бир қисмини қамраб олганмиди — буларнинг ҳаммаси ҳозироқ кундай равшан бўлиб турибди-ку! Шундай экан, кимдан нима қолишини ёки кимнингдир кичик Буш, Мадлен Олбрайт, тинчлик бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган Барак Обама каби виждон азобида қолиб, йўл қўйган хато-камчиликлари хусусида кеч бўлса ҳам тазарру қилишини ҳам вақт кўрсатади. Бу фикр америкаликлар кўп такрорлайдиган “Бизда “Оқ уй” соҳиби ўзгаради, холос...”, деган гапга жуда мос келади десак, янглишмаган бўламиз. Чунки Америка ягона ва улкан давлат бўлса-да, мамлакат штатлари ўзлари жорий этган федерал қонунлар асосида яшайди. “Оқ уй” билан хайрлашув куни Барак Обама ва давлат котиби Байденнинг кўзидан оққан ёш томчилари эса кейинги йилларда Яқин Шарқда бегуноҳ инсонлар, болалар, оналар кўзидан дарё мисол оққан ёшлар олдида бепоён саҳродаги қум заррасича ҳам эмас.

Дунё ўзгаришда, янгиланишда давом этаверади. Аммо инсон зотининг, у қаерда, қайси қитъада яшамасин, ирқи, диний эътиқоди ва танасининг ранги қандай бўлишидан қатъи назар, бу ёруғ оламда тинч-тотув яшаш, фарзандлар тарбиялаш, ўзидан эзгу амаллар қолдириш истаги ҳеч қачон ўзгармайди. Инсон манфаатлари, халқ билан мулоқот давлатнинг расмий сиёсати даражасига, юксак қадрият мақомига кўтарилган, одамларнинг хоҳиш-истаклари, маънавий эҳтиёжларига қулоқ тутиладиган, яратиш, бунёд этиш ҳаракатлари, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланадиган жамият эса ривожланишда, катта ишонч билан ёруғ келажак сари интилишда давом этаверади.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

## МУЗЛИК ДАВРИДАН ҚОЛГАН ҲАЁТ



**Монреал университети (Канада) олимлари ўтказган тадқиқотга қараганда, Шимолий Америкада камида 24 минг йил аввал одам зоти яшаган экан. Икки йил давом этган тадқиқот натижасида бунга ишонч ҳосил қилинди.**

Мутахассислар музейда сақланаётган 36 мингта суяк парчаларини кузатиб, шундай хулосага келишди. Суякларнинг энг қадимийси отнинг пастки жағи бўлиб, унинг ёши 23-24 минг йил экани аниқланди.

— Суякларнинг бир нечтаси юза қисмида тош асбоб излари бор, бу терини шилишда ишлатилган бўлиши мумкин, — дейди тадқиқот етакчи муаллифи Ариан Берк. — Шак-шубҳасиз ушбу белгилар одамлардан қолган.

Бу орқали олимлар инсонлар Америка қитъасига сўнгги музлик даврида келган, деган фаразни тасдиқлайди. Шу билан бирга, Америка аҳолисининг қачон кўчиб келгани ҳақида кўплаб баҳслар ва фаразлар давом этмоқда. Шулардан энг кўп тасдиқ топаётгани бу қитъага бундан 11 минг йил аввал одамлар кўчиб келган, деган фараздир.

## МУХБИРЛАР ЎРНИНИ РОБОТЛАР ЭГАЛЛАЙДИ...МИ?



**Роботларнинг турлари борган сари кўпаймоқда. Ҳадемай, журналистлар ўрнини ҳам машиналар эгаллайди, шекилли. Хитойлик мутахассислар яратган робот-мухбир “Сяо Нань”нинг илк мақоласи “Southern Metropolis Daily” газетасида чоп этилди. Материал мамлакатда нишонланадиган Янги йил байрамига бағишланган.**

300 иероглифдан иборат матнни ёзиш учун робот-мухбирга бор-йўғи бир сония керак бўлибди. Пекин университети профессори Вань Сяоцзюннинг таъкидлашича, у қисқа матнлар билан бирга катта мақолаларни ҳам бемалол ёзади, қизиғи, инсондан кўра кўпроқ маълумотларни таҳлил ҳам қила олади.

Ҳозирча у интервью олишга, савол беришга мослашмаган, фақат олдинги жавобларга таяниб ишлайди. Робот-репортер яратувчисининг сўзларига қараганда, у келгусида нашр ёрдамчиси даражасига чиқа олади.

## МАРҲУМ ҚИРОЛ УЧУН ГАЗЕТАНИНГ МАХСУС СОНИ



**Маълумки, Таиланд қироли Пумипон Адульядет ўтган йили 13 октябрь куни вафот этган эди (у мамлакатни 1946 йилдан буён бошқариб келган). 2016 йил 29 ноябрь куни эса валиаҳд шаҳзода Маҳа Вачиралонгкорн расман қироллик тахтига ўтирган.**

Мамлакатнинг “Thairath” газетаси марҳум қиролга бағишлаб, ҳар бир саҳифасида замонавий технологиялар қўлланилган махсус сонни чоп эттирди.

32 бетли газета сони уч миллион нусхада босилган. Газета таҳририяти махсус сонни уч ой давомида Таиланддаги учта “IT”-компания билан ҳамкорликда тайёрлади. Расм ва фотосуратлар “Thairath AP” бепул дастури ёрдамида “жонланади”.

Масалан, қирол саксофон чалаётгани акс этган фотосурат ёнида мусиқий асбобнинг 3D-нусхаси пайдо бўлади, шунингдек, марҳум монарх чалган куй товушлари эшитилади.

**Интернет материаллари асосида Х. АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

**ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ**

Уммон Султонлиги Арабистон ярим оролининг жанубий-шарқида жойлашган. Мамлакатнинг умумий майдони 212,4 минг квадрат километр. Аҳолиси 4,3 миллион киши. Пойтахти — Маскат шаҳри. Уммон маъмурий жиҳатдан 59 та вилоятга бўлинади.

# Арабистон ярим оролидаги давлат



Уммон давлатини Форс ва Уммон қўлтиқлари ҳамда Арабистон денгизи ўраб туради. Уммон қўлтиғи соҳилидаги Ал-Батина пасттекислигида бир қанча воҳалар мавжуд. Мамлакатнинг марказий қисмида Рубъ ул-Ҳоли чўли, жанубий ғарбида Дофар (Зуфар) платоси жойлашган. Шу ўринда Уммон замини кўплаб ер ости қазилма бойликларга эга эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Нефть, табиий газ, мис, хром, марганец, қўрғошин, олтин ва кумуш каби табиий бойликлар шулар жумласидандир.

Уммоннинг жанубий-ғарбидаги Дофар вилоятида милоднинг дастлабки асрларида равнақ топган Ал-Балид, Рубат, Таки шаҳарлари, Хор-Рори (қадимги Самхарам) бандаргоҳининг харобалари сақланиб қолган. Тошдан ибодатхоналар (жумладан, ой маъбудасига бағишланган ибодатхоналар) қурилган. Еттинчи асрдан ислом қабул қилингач, масжид ва мадрасалар барпо этила бошланди. XVI асрдан бошлаб португаллар ҳукмронлиги даврида денгиз соҳилидаги Маскат, Рас-ал-Хайма, Матрах шаҳарларида маҳобатли тош қўрғонлар бунёд этилди. Уммон шаҳарлари ўрта аср қиёфасини ҳозиргача сақлаб қолгани билан ҳам ўзига хосдир.

Мамлакатда доимий оқиб турадиган дарёлар йўқ. Коризлар ёрдамида еросги сувларидан кенг фойдаланилади. Тоғлар саванна ва ўрмонлар, ўтлоқлар билан қопланган. Воҳаларда хурмозор ва кокос пальмазорлари барқ уриб туради.

Мамлакат аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи уммон арабларидан иборат. Шунингдек, мамлакатда балужлар, форслар, Ҳиндистон, Покистон ва Африка мамлакатларидан келган одамлар истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари Маскат, Салала, Сур, Матрах. Уммон 1971 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси ҳисобланади. Миллий байрами 18 ноябрь — Миллий кун (1970).

Уммон нефть ва газ саноати ривожланаётган мамлакат саналади. Ушбу мамлакатда йирик нефть конлари очилганлиги туфайли ярим асрдан буён нефть ва газ қазиб олиш мунтазам равишда ривожланиб келаётир. Айни пайтда ялпи ички маҳсулотда нефть ва газ саноатининг улуши 38,5 фоизни, қишлоқ хўжалигининг улуши 2,9 фоизни ташкил этади. Суғориладиган ерларда ерости каналлари (коризлар) ёрдамида воҳа деҳқончилиги йўлга қўйилган.

Мамлакатда экспорт учун хурмо (финик пальмаси), лимон ҳамда тамаки зироатлари экилади. Етиштириладиган тариқ, буғдой, арпа, сабзавот ва полиз экинлари асосан ички эҳтиёжларга ишлатилади. Кўчманчи бадавийлар чорвачилик билан шуғулланади.

Саноатда қувур ва пластмасса маҳсулотлари, шунингдек, кимё, нефтни қайта ишлаш, цемент заводлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, қандолат, металлсозлик, машинасозлик, кемасозлик корхоналари бор. Мамлакатда йилига ўртача 7,8 миллиард кВт-соат электр энергияси ҳосил килинади. Асосий денгиз портлари — Маскат ва Матрах, Маскат яқинидаги Ас-Сиб шаҳрида халқаро аэропорт бор. Уммон давлати четга нефтдан ташқари рангли металл, хурмо, қуритилган балиқ, тамаки, цитрус меваларни чиқаради. Асосан Буюк Британия, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, АҚШ билан савдо-сотиқ қилади. Пул бирлиги — Уммон риёли.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

**АКС-САДО**

Муаллиф Абдумажид Азимовнинг ўтган йили 12 октябрда эълон қилинган "Айтилаётгану лекин амал қилинмаётган гаплар" номли мақоласини ўқиб чиқиб, яқин ўтмишимиздаги ва бугунги тўйларимиз бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Ва шу ўринда тўйларимизни файзли, эсда қоларли ўтиши учун нималар қилиш керагу,нималарнинг умуман ҳожати йўқлигини ўйлаб қолдим. Илгари ўтказилган ўзбек тўйларида бўладиган ўйин-кулги, шеърхонлик, кураш, кўпкари, аския, бахшиларнинг чиқишлари, тарбиявий аҳамиятга эга ашулалар, халқ оғзаки ижоди намуналари меҳмонларга ўзгача завқу шавқ улашарди. Болалигимизда кечқурунги базмларга махсус киномеханиклар таклиф этилиб, улар тўйхоналардан холироқ жойга оқ мато тортиб кичкинтойларга фильмлар кўрсатар эдилар.

# Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Тўйнинг эртасига келин тушган уйда юзочар бўлади. Келинпошша ўз қўли билан четлари тўқилган рўмолчалар, нақшлар тасвирлаб тиккан сочиқ-рўмолчаларни кичкинтойларга, ёш ялангга тақдим этарди. (Рўмолчалар келин сарпоси учун тикилган кўйлаклардан ортиб қолган бўлаклардан экани уят ҳисобланмасди.)



Ҳозирги замонавий тўйларда келин юзочарда мезбон болакайларга қимматбаҳо юмшоқ ўйинчоқдан ток билан ишлайдиган машиналаргача, ёмғирпўшдан қутичаларда ширинликларгача совға қилишига нима дейсиз?! Гўё шу ортиқча харажатлар ёшларнинг бахтли яшаб кетишлари учун аҳамияти бордек. Ким билсин, балки биз — ўтган аср одамларининг дунёқараши ростдан ҳам ёшлар учун қолоқ фикрдир. Аммо бир кекса педагог сифатида мулоҳазаларимни қоғозга туширгим келди.

Бундан беш-олти йил бурун қишлоқ тўйларининг бирида айни базм қизиган пайтда тўйхонада бирдан чироқ ўчирилди. Олачипор чироқлар ёруғида куёв келинни етаклаб ўртада европача вальсга туша бошлашди. Аввал келиннинг атрофида куёв, кейин тиз чўкиб ўтирган куёвтўра атрофида келинпошша чиройли замонавий рақс (вальс) ижро этдилар.

Тўйдан кейин маҳаллада дув-дув гап тарқалди. Кимгадир маъқул бўлди, кимдир келин-куёвнинг кўпчилик олдида қилпиллаб ўйнашини маъқулламади. Кейинчалик, эшитсак, ўша келин-куёв тўйдан бир ой аввал шаҳарга қатнаб фалон долларга махсус раққосалардан сабоқ олган. Минг афсуски, "раққоса" келин-куёв икки фарзандли бўлганда ажрашиб кетишди...

Аслида ҳар бир ота-она ўз фарзандининг келажакдаги орзуларининг рўёби учун жонини тикишга ҳам тайёр. Бироқ ҳозирги замонавий деб аталмиш маросимларга бир кекса ота-онанинг энг кўп миқдордаги маоши ёки пенсияси урвоқдек гап. Агар келин ёки куёв талаба бўлса-чи?

Тўйдан кейинги таъма, миннат, қарз юкини, тўй ташвишини ҳазм қилиб яшаш-чи? Ҳаёт давом этаверади. Тўйдан кейинги "юзочар", чаллари, ҳафталик ҳайит, туғилган кун маросимлари-чи? Муштипар ота-она пенсиясини ўзининг дори-дармони, қолган умрига ҳам атайдими? Қачон биз ўз эҳтиёжимизга яраша яшашни ўрганамиз? Икки соатли тўйда битта салат, битта сомса, ярим коса иссиқ суюқ овқат инсонни уйқу олдидан бемалол қониқтиради. Янги узилган сабзавотлар, мева-чева, қўзиқорину яна алламбало мевалар шарбати...

Яқинда дўмбирабодлик бир танишим ғалати воқеани гапириб берди. Бир куни уни оғайниси тўйга таклиф қилибди. У борса, янги уйда беш-олтита меҳмон ўтирганмиш. «Мен тўй вақтини адаштирдимми, одамлар қани?», деб сўрапти меҳмон. Нима, биз одам эмасми, дейишипти мезбонлар. Маълум бўлишича, икки қуда келишиб, келин-куёв розилиги билан тўйнинг барча харажатларини йиғиб ёшларга икки хонали уй олиб беришибди. Келин-куёвнинг ака-опалари нега шу қарорга аввалроқ келмагансизлар? Ахир уй-жой энг муҳими экан, дея ўпкаланишипти.

Албатта, мен бу билан тўйдан уй-жой муҳим демоқчи эмасман. Тўй қилаётганларнинг қариндошларига ҳам осон эмас. "Тўй қариндошда, ташвиш бизнинг бошда", "Қиз узатганга қирқ йил тегма", "Мен қарғамайман, фақат ўғил-қизинг кў-ўп бўлсин" дейман деган иборалар бекорга айтилмаган. Яна бир воқеа. Бир қудамиз бир нечта қиздан кейин ўғил фарзандли бўлишди. Катта дошқозонда ош дамлаб қайсидир болалар уйига жўнатди. Бор совға, ноз-неъматни, йиққан-терганини маҳалладаги ночор оилаларга тарқатди. Уларни ҳеч ким ўғлингни "ювмадинг" дея коймади.

Куни кеча бир қўшнимиз келин олди. Чалларига битта "Исузу" автобусида 10-15 та яқин қўшни ва қариндошлар, битта Дамасда 5-6 та куёв ва унинг оғайниларини, битта енгил машинада келин-янгалар бордик. Ҳайдовчи ҳалқабодлик экан. Йўл-йўлакай у Ҳалқабод қишлоғи аҳолиси, урф-одати ва қуда бўлиши янги қариндошлар ҳақида илиқ гапларни сўзлаб кетди. 10-15 чоғли мезбонлар билан тинч, осойишта ҳеч қанақа данғир-дунғирсиз роҳатланиб суҳбатлашдик, танишдик. Маросимдан маза қилиб, яхши кайфиятда қайтдик. Кечагина халққа ош берган, катта тўй ташвишларини бошидан кечирган икки қудага шу чалларини ўтказиш ҳам осон эмас. Келин томон ҳам ўзига яраша патир, сомса, мева-чева, кабоб... билан келади. Мезбонлар ҳам меҳмонларни едириб-ичиришдан ташқари совға-салом билан кузатишлари-чи? Бу чаллари мен кўрган-билганим ичида энг камтар, саранжомлиси бўлди. Бир кунлик тўй, орзу-ҳавас, наҳотки йиллар давомида пешона тери билан мисқоллаб йиққан ҳалол маблағнинг сочилиши эвазига амалга ошса? Ҳаммаси ўз қўлингизда. Тўй бир кунлик — 2 соатли маросим. Ҳўжакўрсинга амалга ошириладиган тўй ва бошқа маросим энг аввало ўзимизни алдаш эканини англаб етиш вақти келди.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби**

# Энг қиммат нарса

**ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ**

"Оққуш" гуруҳи учун мўлжалланган майдонча эртакдаги мўъжизалар мамлакатига ўхшайди. Болалар учун ҳамма нарса бор. Сакрайдими, югурадими, қумдан қўрғон ясайдими ёки гиламча устига ўтириб олиб, ўйинчоқларини бир-бирига мақтайдими? Хуллас, ҳаммаси ҳавас қилгулиг-у, негадир бу "ола-була жўжалар" бир-бирини чўқигани-чўқиган.

— Энг қиммат телефон менинг дадамда бор. Ичига 30 та кино сиғади.

— Менинг опамда энг қиммат планшет бор. Унга мингта катта-катта китоблар сиғади.

— Эйй, шуям қиммат бўптими? Менинг дадамда Малубо бор. Биласанми, у энг қиммат мошина.

Диёрбек ўртоқларининг гапини эшитишга эшитди-ю, қовоғини осилтирганча чеккадаги ўриндиққа бориб ўтирди. У ўтган йили қорбобо совға қилган эшиги очиладиган мошиначасини ёнига қўйди ва бармоқларини қарсиллатмоқчи бўлди. Одатда дадаси уйда ўйинчоқлар тўзиб ётса, шундай қиларди. Аслида Диёрбек бу ҳақда ўйлагани йўқ, беихтиёр отасига тақлид қилар, энг ажабланарлиси, негадир унинг қўли қарсилламасди. Болакайнинг қовоғини баттар қор босди. Шу пайт боғча опаси чақириб қолди.

— Ҳа, болам, зерикдингми?

— Йў-ўқ. Маҳмуда Каримовна, айтингчи, дунёдаги энг қиммат нарса нима?

— Энг қиммат нарсами? — дея бироз каловланди боғча опа. — Энг қиммат нарса бу — одоб. Агар одобинг бўлмаса, зўр кийим кийсанг ҳам, зўр мошинанг бўлса ҳам, ҳатто ки зўр шоир бўлсанг ҳам бир тийинсан. Шунинг учун, аввало, одобли бўлиш керак.

Диёрбек одоб юзасидан бошини силкитди-ю, аммо жавобдан қониқиш ҳосил қилмади.

"Ўғлим, уйга кетдик". Болакай ҳеч кимникига ўхшамайдиган овозни эшитиб, сакраб ўрнидан турди. Зумда хафалигини ҳам унутди. Ойиси боғча опадан ҳол сўрагач, ҳар доимгидек эркатойининг қўлидан ушлаганча бугунги куни қандай ўтгани билан қизиқди. Йўл-йўлакай Диёрбекнинг эсига бояги саволи тушди ва онасининг жавобини билмоқчи бўлди.

— Фарзанд-да, энг қиммат нарса. Сендай ширин болани бир қоп пулга ҳам сотиб олиб бўлмайди, — деди ойиси ҳар доимгидек "ужи-бужи" қилиб. Ёш боладай эркалатавериши Диёрбекнинг ғашига тегадиган бўлганини тушунмайди-да, онаси. Ахир у энди кап-катта одам. Келаси йил мактабга боради.



Уйга келишса, бобоси меҳмонга келган экан. Гавдали, салобатли чол ягона ўғил неварани тиззасига олди.

— Хўш, болам. Ҳеч ким хафа қилмаяптими? Овқатингни еб бўлганингдан кейин, дўконга чиқамиз. Сенга нима оберай?

Диёрбек бобоси келганда нималар олдиришини аллақачон ўйлаб қўйган. Аммо ёнида дадаси ҳам борлиги учун секингина "Ўзим сизга кўрсатаман" деди.

Бобонинг қанд касали бор. Оёқлари қақшаб оғрийди. Шунга қарамай неварасини тиззасига олиб ўтиришни хушларди. Невара ҳам бунга ўрганиб қолган, ўрнидан силжишни хаёлига ҳам келтирмасди-ю, аммо ойиси имо қилиб, "пастга туш" деди. У секин хонтахта четига ўтаркан, бояги саволи яна ёдига келди:

— Бобо, сиз дунёда энг қиммат нарса нималигини биласизми?

Нуралининг буваси қари бўлса ҳам, қошини бўяб олган шекилли, қоп-қора. Фақатгина сочи ва соқоли оқарган. Диёрбекнинг бобоси эса қошини бўямайди. Ўзи эркаклар бўянмайди-да. Бобонинг қоши ҳам, мўйлови ҳам, соқоли ҳам оппоқ. Сочи эса оқам, қораям эмас. Қип-қизил кал.

Оқсоқол дўпписини олиб, тақир бошини обдон силадида, шошилмай гап бошлади:

— Ҳа, биламан, болам. Дунёдаги энг арзон, энг қиммат бир нарса бор. У — нон. Дўконга кирсанг, нон энг арзон ўйинчоғингданам арзонроқ. Худога шукр, сен унинг қанчалик қимматлигини билмайсан. Билмагинам, болам.

Бобосининг оғзига термулиб ўтирган бола нимандир илғагандай бўлди-ю, барибир кўнгли тўлмади.

— Йўқ, бобожон. Нонданам қимматроқ нарса бор. Сиз билмасакансиз, — деди ерга қараб.

— Унда болам, қани дадангдан сўра-чи. Шу телевизорда футбол кўришдан бўшаб, сен билан ўғил болачасига гаплашиб турадими, ўзи бу даданг.

Дада гап ўзи ҳақида бораётганини сезди, шекилли, отасининг салобати босиб, оғзига солган носи томоғига кетди-ю, сирини фош қилиб қўйди. У "ўху-ўху"лаб ташқарига шошилди. Қайтгач, "Шамоллабман шекилли, йўтал тутиб қолди" деди отанинг кўзига қарамай. Бобо бу кенжа ўғли ўқимишли, маданиятли эканидан фахрланиб юради-ю, шу деҳқончасига нос отишидан ҳам хафа бўлади, ҳам ўзига билдирмай қувонади. Чунки турли бемаъни чекимликлардан кўра, шу носвой тузукроқ. Аммо барибир зарар-да. Чекмагани маъқул. Шунинг учунми, бобо ўғлига дўқ урган бўлади.

— Бундан биз нима топдикки, сенам чекасан? Уят эмасми? Тўртта одамнинг боши бўлсанг. Қани, болангни саволига жавоб бер.

— Энг қиммат нарса... — даданинг эсига бир катта ёзувчининг фикри тушди-ю, отасининг олдида шу серсавол пучуққа жўяли жавоб топганидан суюниб кетди. — Энг қиммат нарса — озодлик!

Бола бу сўзнинг маъносини тушуниб-тушунмаса-да, бир яхши гаплигини ҳис қилди. Аммо барибир жавобга кўнмади.

— Ҳа... Мен эса ер деб ўйлабман.

— Э, маҳмадона, ўзинг билсанг, нега биздан сўраб миянни ачитасан, — дея ўшқирди дадаси бобо борлигини ҳам унутиб. Аммо кейин сўзини тўғрилаб қўйди, — Ота, бошингизни оғритиб ташладими бу? Олинг, иссиқ кўк чойдан олинг.

Бобога чойдан кўра набирасининг жавоби қизиқ эди. Гапиравер дегандай унинг бошини силаб қўйди. Болакай ундан ҳам биров гап сўраганига хурсанд бўлганиданми, ҳовлиқа-ҳовлиқа, дудуқланадудуқлана сўзлай кетди.

— Бобо, мана, шу дунёда ер бор, қуёш бор, оймомо бор, юлдузлар бор. Мана, мен мултикда кўрдим, агар қуёш адашиб кетиб, бизга жуда яқин келса, еримиз ёниб кетади, ёниб! Агар узоқлашиб кетса-чи? Музлаб қоламиз. Айтинг-чи, кейин ерни қаёқдан топасиз. Бизнинг уйимиз ерда-ку. Бир уй пулингиз бўлса ҳам сотиб ололмайсиз. Мана, ер — яхши... Ер — қиммат!

Бир пайтлар қишлоғининг ор-номуси деб давраларга тушган полвон бобо набирасида ўзиданам кучлироқ таниш туйғуни кўриб, гердайиброқ ўтирди. Ҳа, барибир суяк суради-да!

— Тўғри, болам, бу ер қиммат, бу тупроқ бебаҳо. Не-не азиз авлиёларни, олиму фозилларни кўтарган, улғайтирган. Яна, уларни бағрига олган. Ота-боболаримиз ҳам ётибди унда. Тўғри, айтасан, доно болам, унинг чанги ҳам кўзга тўтиё.

Бобо бу гапларни Диёрбекка айтяптими, ўзигами билиб бўлмасди...

— Бедана тухуми одамни сўзамол қилади, дейишади-я, ота. Шу набирангизга кўп берганмиз-да ундан. Серсавол. Сизни чарчатиб қўймадими? — деди Диёрбекнинг ойиси хонтахта устига лаганда ош қўяркан.

Келиннинг гапи оқсоқолнинг хаёлини бўлди. Кўзига қалққан ёшни кафтининг орқаси билан артиб ташлади. Йўқ дегандай бошини сараклади. "Келин Самарқанддан. Мулозаматни жойига қўяди" дея кулимсиради бобо.

Чол бисмиллоҳ деб ошга қўл чўзаркан, аввало, олдидаги бедана тухумларни қошиқ учи билан набираси томон суриб қўйди-да, сабзили жойидан оғзига солди.

**Ситора ТОЖИДДИНОВА**

**БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ**

***— Мен ўзимга тегишли бўлган бўш турган квартирамни ижарага бермоқчиман. Ушбу ижара шартномасини нотариал тасдиқлаш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?***

Тошкент вилоятидан Ю.РАҲИМОВ

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги 64-МҲ сонли буйруғи билан тасдиқланган «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 136-бандига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 22 декабрдаги 376-МҲ сонли буйруғи билан киритилган янги таҳрирдаги ўзгартиришларига мувофиқ мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулк (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқалар) ижарага берилишида ижара шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда нотариус қуйидагиларни талаб қилади:

- Кўчмас мулк объектининг кадастр йиғмажилди. Бунда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, бинолар, иншоотлар ва кўпйиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда кўчмас мулкнинг умумий майдони ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган тегишли ҳужжатлардан нусха олиниб, кадастр йиғма-жилдининг асли қайтариб берилади;
- ижарага берилаётган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтаридан кўчирма ҳамда доимий прописка қилинган шахсларнинг розилиги.

Агар:

- Кўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;
- васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;
- хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага берилганда Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги;

кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги ҳам талаб этилади.

**Саволга Зангиота туман 13-ДНИ нотариуси Шухрат ЮСУПОВ жавоб берди.**

***— Икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Ўзим 3-гуруҳ ногиронман. Собиқ турмуш ўртоғим хасталикдан вафот этди. Ўлимидан олдин барча мол-мулкини отаси ва укасига васият қилиб қолдирди. Фарзандларимга отасининг мол-мулкидан ҳеч нарса тегмайдими?***

Тошкент вилоятидан Ў.Маҳкамова

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унда мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эр ёки хотин ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар деб кўрсатилган. Демак, улар ҳам қонун бўйича, ҳам васият бўйича ворислик ҳуқуқининг субъектлари таркибига киради.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган меросининг фақат мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатан ҳақиқий ҳисобланади.

Демак, фарзандларингиз отасидан қолган мол-мулкдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга, бунинг учун яшаш жойингиздаги судга мурожаат қилишни маслаҳат берамиз.

**Саволга Янгийўл тумани ДНИ нотариуси Гулбаҳор ФАКИРОВА жавоб берди.**

# "...Сал кўрмаса

**АДАБИЙ МЕРОС**

Адабиётимизда шундай асарлар борки, биз билан бешикдан то қабргача бирга боради. Бир мартагина яшайдиган ҳаётимизга илоҳий нур бағишлайди. Тарбия маъносида айтганда, одам қилади. Самимий шеърлари ва бир-биридан сермазмун романлари билан қалбимизни тўлдириб турган Ойбек домланинг китоблари бошқа халқларнинг ҳам меҳр-муҳаббатини қозонган. Адиб ижоди ҳақида таниқли адабиётшунос олимлар кўп ва хўп тадқиқотлар олиб борган бўлса-да, Ойбек тилига хос соддалик ҳали илмий жиҳатдан тўла очилгани йўқ.

Эҳтимол, вақти-соати билан она тилимиз хазинасидан муносиб ўрин олган асарлари тилшунослигимизда чуқурроқ ўрганилар. Бу бадиий адабиётимиз учун ҳам жуда муҳим. Ҳамма тушунадиган қилиб ёзиш ноёб фазилатга айланиб бораётган бир пайтда Ойбек ёзган ёки ўқиган китобларни қайта кўздан кечириш ҳаммамиз учун бир намунадир. Ёзувчи бунга ҳар бир асарини ҳаётни чуқур ўрганиб, бўлажак қаҳрамонларини оддий одамлар орасидан топиб эришади. У ўзининг "Қутлуғ қон"дай гўзал романида халқимизнинг ўтган асрдаги тарихи билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш учун қанчалаб Йўлчи ва Гулнорлар билан суҳбатлашмаган, дейсиз. Ҳатто Йўлчининг синглиси образини яратишда ҳам Унсин тўти деган қариндошининг феъл-атворидан таъсирланган экан.

Албатта, ҳар бир даврнинг ўз ижодкорлари бўлади. Ойбекнинг қайноқ ижод палласи уруш йилларига тўғри келса-да, у олис келажакка етказиш зарур бўлган гапни моҳирлик билан айта олган шоир. "Навоий" романини қўлга олганимизда, замоннинг овози, нафасини тезгина қоғозга тушириш бошқа-ю, юрак ва меҳр ҳарорати билан ёзилган нарсалар бошқа эканига амин бўламиз. Тасаввур қилинг, ўша жаҳолат дунёсига ғарқ ўттиз еттинчи йилларда Навоий, Бобур, умуман, темурийлар ҳақида асар ёзиш у ёқда турсин, ҳатто номларини тилга олиш мумкин бўлмаган бир вақтда Ойбек бу буюк сиймо образини яратиш учун қанчадан-қанча мўътабар тарихий манбаларга мурожаат қилади, тадқиқотлар устида жиддий изланишлар олиб боради. Ёшлигидан улуғ бобокалонимиз шеъриятига ихлос қўйиб, бутун умрини ана шу чанг босиб ётган қўлёзмаларни ўз халқига қайтариш, Шарқ оламининг тафаккури, маънавий дунёси ва инсонийлигини катта меҳр билан тасвирлашга бағишлайди. Шундай теран ва салмоқли асари учун ўттиз саккиз ёшида академик-шоир унвонига сазовор бўлса-да, "Навоий сиймоси романда ортиқча идеаллаштирилган" деган ўзимизнинг танқидчиларни ўринсиз қоралашларидан қаттиқ азият чекади. Истеъдодли одамни кўрмасликка олишлари ёки асарларини эътироф этмасликлари унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас, унинг олдида истеъдодсизларни алқашдан ёмони бўлмайди. Ойбек бундай камситилишлар, ноҳақликлардан соғлиғини йўқотиб, 17 йил хасталик билан курашади. Ўз даврида қадрсизланган асарлари ҳозир китоб жавонимизни безаб турибди. Турли тилларга таржима қилинган. Мактаб дарсликларида ўқитилиб, бир неча авлоднинг камолга етиши, савия ва мавқеини юксалтиришда беқиёс ҳисса қўшиб келмоқда. Михаил Булгаков "қўлёзмалар ёнмайди" деган иборани мана шундай вақт синовидан ўтган асарларга нисбатан қўллаган бўлса, не ажаб!

Ойбек яшаган ҳовлига борганимда, салобатли ҳайкалларига қараб бўғзимга нимадир тиқилиб келди. Мен ўйладимки, Ойбек оғир иқтисодий ҳолатда яшаганда ҳам бизга қоладиган асарлар ёзиб, буларнинг қадрига етадиган, китоб ўқийдиган, адабиёт, умуман, маданиятга муносабати юксак авлодлар бўлишини орзу қилган. Уй-музейидаги йигирма жилдлик тўплам ичида ҳали китобхонларимиз қўлига етиб келмаган шунақанги шеърлар, қиссалар, таржималар, илмий мақолалар, суҳбатлар ва мактублар борки, айни пайтда бу нодир қўлёзмаларни қалбимиз мулкига айлантирадиган зукко ойбекшуносларга эҳтиёж сезилади. Ойбекни Ойбек қилган китоблар орасидан Шаҳодат ая ўғлига дўппи тикиб сотиб олиб берган асарлар ҳозир ёзувчи китоб жавонининг қайси бурчагидан жой олганини ўйлайман. Ахир, бу нашрлар Ойбек кўнглида адабиёт ва шеъриятга муҳаббат уйғотган. Достон ёзишдан аввал яхши чиқармикан, романни эплай оламанми, деб иккиланган чоғларида маънавий устозлик қилган. Истаган нарсасини ёза олишига ишонтириб, катта ижод йўлига олиб чиққан. Масалан, Пушкиннинг "Евгений Онегин" асари таржимаси Ойбек ижодини янги босқичга кўтарган. Чунки адиб бу асарни ўн икки йил давомида икки марта (1937-1943 йилларда) уни қайтадан ишлаб, қиёмига етказган экан. Унинг 1930 йилда ёзилган "Онамни эслаб" шеърида бундай мисраларнинг бўлиши бежиз эмас:

***Қаҳратон қиш... Совуқ...***
***Титрар қўлларинг;***
***Тутолмас игнани... Ўлик бир кеча***
***Илиқ нафаслари сўнган танчага***
***Ётғизгач бизларни, очиб китобинг —***
***Ўқирдинг...***

